

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги
Андижон давлат университети
Педагогика факультети
Психология кафедраси

Педагогика ва психология таълим йўналиши
талабалари учун

ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ
ФАНИДАН

МАЪРУЗА МАТНИ

Давлат таълим стандартига асосан 5110900 - «Педагогика ва психология» таълим йўналиши бўйича тахсил олувчи бакалаврларнинг ўзлаштириши лозим бўлган билимлар мазмунига зарурий талабалар мажмуаси ишлаб чиқилган.

Тузувчи: М.Х.Думаров- АДУ. психология кафедраси катта ўқитувчиси

Тақризчи: М.В.Халимова.- АДУ. психология кафедраси мудири,
доцент

№	Мавзу номи	Соат
1	Оила психологияси фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.	2
2	Шарқ мутафаккирларининг оила ҳақидаги қарашлари	2
3	Инсоният тарихида оила ва никоҳ институтининг ривожланиши тарихи.	2
4	Замонавий оиланинг ўзига хослиги, турлари ва вазифалари.	2
5	Никоҳ олди омиллари ва никоҳга етуклик хусусиятлари.	2
6	Оилавий муносабатлар психологияси.	2
7	Ёш оилаларнинг ижтимоий ва психологик муаммолари.	2
8	Оилавий низолар ва уларнинг турлари	2
9	Оилавий муносабатларнинг бузилиши: никоҳ ажримлари	2
10	Ота-она – бола муносабатлари психологияси	2
11	Оилавий консултатсия.	2
12	Ўзбекистонда оила сиёсатининг шаклланиши	2

1-МАВЗУ: МУСТАҚИЛ ЖАМИЯТДА ОИЛА ВА НИКОХ.

- 2(соат).

1.ОИЛА ВА НИКОХ.

1.1.Оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари

1.2.Оиланинг ахлоқий асослари

1.3.Оиладаги соғлом муҳит психологияси.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР.

1.Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси. О.Тўраева. Тош-т. ўқит. - 1990.й.

2.Юсупов Э., Исмоилов. Инсон одоби билан. Т., ўзб-н., 1983.й.

3.Миртурсунов.З.Ф. ўзбек халқ педагогикаси. Т., «Фан», 1973.й.

4.Оила педагогикаси. А.Мунавваров. Халқ педагогикаси ва маънавий кадриятлар тарбия манбаи.

5.Талабалар учун психологиясидан топшириқлар. Л.П.Хохлова. Т., ўқит. - 1992.й.

6.Мирзакалон Исмоилов. Одамийлик қиссаси. Т., «ўзбек-н.», 1975.й.

7.Психология в семье. И.Плотникова. Москва. «Педагогика» 1991.й.

8.Оила таянчи.Илмий мақолалар тўплами., Тошкент - 1998.й. Т.Д.П.У.

1.ОИЛА ВА НИКОХ.

ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Халол меҳнат, самимият ва муҳаббатга асосланган оиланинг жамиятга муносиб авлод ҳамда етук инсон бўлиб етишиш инсоннинг асосий бурчидир. Никоҳдан ўтиб оила кўришдан асосий мақсад инсон авлодининг давомийлигидир. Жамият эса оилалар йиғиндисидан иборатдир.

Никоҳга киришда янглишмаслик мустаҳкам оила топишига олиб келади. Аҳил, тотув яшаш, халол меҳнат ва муҳаббатга асосланган оила жамиятга муносиб авлод ахлоқли пок, жамият ишига садоқатли инсонни тарбиялаб етказишда катта роль ўйнайди. Янги авлод эса жамият тараққиётига, ижтимоий қурилишнинг авж олишига таъсир кўрсатади. Оилавий муносабатлар - соф «шахсий муносабатлар» эмас оила ва оилавий муносабатлар давлат ва жамият тараққиётига, уларнинг маънавий бойлигига бевосита дахлдордир. Шунинг учун оила ва оилавий муносабатлар ғоят муҳим ижтимоий нормалар-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинган.

Ўзбекистон жумҳуриятимизнинг никоҳ ва оила кодексида муносабатларнинг қуйидаги асосий принциплари белгиланган: яқка никоҳли принципи. Бу принципга кўра, ҳар бир фукоро фақат битта никоҳда бўлиши мумкин. Никоҳнинг ихтиёрлиги ва ўзаро розилик принциплари; Бу принципга мувофиқ ҳар бир эркак ва аёл ўзига ёққан шахс билан ўз ихтиёрича никоҳга кириши мумкин. Ҳеч кимнинг, бирор шахснинг мажбур қилиши ва тазйиқи билан никоҳдан ўтишга йўл қўйилмайди.

Ажралишнинг эркинлиги. Оила у ёки бу сабаб билан бузиладиган бўлиб қолса, эр ва хотин бир-бирларидан ажралиш ҳуқуқига эгадирлар. Аммо ажралиш иши давлат томонидан назорат қилинади

Оилада ва оилавий муносабатларда эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлиги. Бу принципнинг мазмуни шуки, шахсий ва мулкӣ ҳуқуқда эр ва хотин

тенгдир. Оилавий муносабатларни хал қилишда ҳам эр ва хотин барабар ҳуқуқга эгадир.

Энг кўп ажралишлар ота-оналар ёш оиланинг ишларига ноўрин аралашуви оқибати эканлиги маълум бўлмоқда. Гап шундаки, ота-оналар улғайган ўғлига, турмушга чиққан қизига энди вояга етган, ўз фикрини англай ололмайдиган, ўз мулоҳазасига эга бўлган баркамол кишилар деб эмас, балки «ҳалиям бола» кабилида қарайдилар, оилавий ҳиёнат уларнинг ўзига қўйиб бермасдан беҳуда ҳомийлик қиладилар, турмушларига ва оилавий ишларига аралашаверадилар, натижада бачкана, арзимас гап сўз кўпайиб, ўз йўлидан бораётган туппа-тузук оила издан чиқади. «Характерларнинг тўғри келмаслиги» умумий тушунчадир. Аслида бунинг сабаби эр-хотиннинг бир-биридан устунликка, оилада ҳар ким ўзича «ҳокимликка» интилиши, эр томонидан хотиннинг ҳўрланиши ёки эрнинг оиладаги зикналиги, ўзаро низоларга бардошсизлиги ва ҳоказолардан иборат бўлади.

Оила инсон ҳаётига тўқислик бағишлайди, оила бахт келтиради, лекин ҳар бир оила, айниқса мустақил жамиятдаги оила, энг аввало давлат аҳамиятига эга бўлган қутлуғ ишдир. (А.С.Макаренко)

Оила инсон жамиятининг табиий ривожланиши асосидир. Инсонлар ўртасидаги муносабатларга асосланган жамиятнинг ячейкаси. Никоҳдан кейин икки ёшнинг муносабатларига асосланган турмуш, бу ёшларнинг фарзандлари туғилиб, аста-секин шахс сифатида ҳар томонлама камолотга эришишади, фарзандлар индивиддан шахсга айлана бошлайди. Энди оиладаги икки киши ўртасидаги муносабатлар уч ёки ундан кўпроқ кишилар ўртасидаги муносабатларга айланади. Эҳтиёжнинг кўпайиши муносабатларни мураккаблаштиради.

Оила ўз-ўзидан ҳеч бир қийинчиликсиз бахтга, оила эҳтиёжларининг яхшиланиши, мустаҳкамлиги ва шунга ўхшашлар амалга ошади,-дейиши нотўғри бўлади. Бунинг учун эр ва хотиндан юқори даражадаги одоб-ахлоқ, этик-эстетик тайёргарлик, қобилият, садоқатлилиқ, сабр-тоқатлилиқ каби ахлоқий қадриятларни ўзида мужассам этишни талаб этади. Булар ўртасидаги ахлоқ, ахлоқий муносабатлар эса ўз навбатида фарзандига таъсир қилади. Чунки, фарзанд дунёга келган биринчи кунданок ота-она, ака-опалари меҳр-муҳаббатидан озиқланади. Демак, боланинг маънавий-маданий шаклланишида оиланинг роли бекиёсдир.

Маънавият — деб таъкидлайди, И.Каримов,- инсонга она сути, ота намунаси, аجدодлар ўғити билан бирга сингади», деганида жуда ҳаққоний гапни айтган эди. Дарҳақиқат, оиланинг шаклланишига иқтисодий муносабатлар, ишлаб чиқариш усулининг ривожланиши ва ўзгариши билан кўрсатади. Ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши ва ўзгариши эса, оилавий муносабатларнинг ҳам ривожланишига олиб келади.

Собиқ совет ҳокимияти оилада хотин-қизларнинг камситиши, уларни ҳўрлаш ва зўравонлик ҳукмронлиги остида сақлаш ҳолларини тугатди, эски буржуа қонунларини бекор қилди, никоҳ ва оила масаласида эркакларга алоҳида имтиёз берувчи қонунлар батамом тугатилди. Хотин-қизларни

хурматлайдиган ва эъзозлайдиган, уларга оилада ва ижтимоий ҳаётда эрлар билан бир сафда туриб ишлаш ҳуқуқини берадиган, социалистик жамиятда мустаҳкамлаш учун курашда фаол қатнашишларини таъминлайдиган декретлар эълон қилинди. Конференцияда хотин-қизлар манфаатига бевосита дахлдор муаммоларини янада зўр ғайрат билан ҳал этишга жиддий эътибор берилди. Раҳбарлик органларида хотин-қизларнинг вакиллари кенг миқёсда қатнашиши кераклиги уқтирилди. Уларнинг жамиятдаги ва сиёсий ҳаётдаги роли оширилиши, онанинг обрўси ва ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши, унинг ўз вазифаларини бажариш учун шароит яратиб берилиши, ёш оилаларга ғамхўрликни кучайтириш зарурлиги алоҳида қайд этилди. Эр-хотиннинг бир-бирига кўмакчи бўлиши анъана тусини олди. Оиланинг ҳамма аъзолари рўзгорни юритишга ўз хиссасини қўшадиган бўлиб қолди. Хотин-қизларнинг меҳнат жараёнида иштирок этиши уларнинг тобора камол топишига ёрдам беради, онг, билим доираларини кенгайтиради, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида эркаклар билан тенглашувини таъминлайди, обрў-эътиборини оширади.

«Оила қуриш - ёшлар зиммасига катта маъсулият тўғри тушуниб олиш оилани (маъсулият юклашини тўғри) мустаҳкамлайдиган омиллардан биридир. Эркак билан аёлнинг бир-бирини севиши, ҳурматлаши ва болаларни шу руҳда тарбиялашга асосланган қовушиши ахлоқий қовушишидир. Оиланинг илдизи фарзанддир. Болалар тарбияси ва камолотида оиладаги муҳит, болаларни қуршаган оилавий муносабатлар муҳим аҳамиятга эга. Оиладаги соғлом муҳит, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳурмат бола тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Тарбия ғоят мураккаб жараён бўлиб, ўзининг ички қонуниятларига эга. Ота-онанинг меҳри, муруввати, ғамхурлиги болалар учун сув ва ҳаводай зарурдир.

Оилавий ҳаёт эҳтимолки, ҳеч қачон сидирғасидан, қувончдан иборат бўлолмайди. Фақат шоду-хуррамликкагина эмас, ғаму-андухга ҳам, ташвишу бахтсизликка ҳам шерик бўла бил. (В.А.Сухомлинский).

Улғаяётган шахсда ижобий сифатлар шаклланишида оиладаги соғлом муҳит катта аҳамият касб этади. Оилада соғлом муҳитнинг шаклланиши кўп омилларга боғлиқ. Масалан, оила бошлиқлари билан болаларнинг ўзаро яхши муносабати, хонадон қарияларига ҳурмат, эътибор, оиладаги болаларнинг ўзаро муносабатлари тўғри тарбиялангани, ота-онанинг болалари тарбиясига баробар жонқуярлиги, оилада ўрнатилган тўғри тартиб ва яхши одатлар, ота-онанинг меҳнатга, ижтимоий ҳаёт ходисаларига тўғри муносабатда бўлиш кабилар шулар жумласидандир.

Буларнинг қай бирида мутаносиблик бузилса, демак, шу оиладаги соғлом муҳитга путур етади. Бола тарбиясида ота-онанинг бир-бирига муносабати, ўзларини тутта билишлари муҳимдир. Оилада муомаланинг барча қоидаларига амал қилиниши лозим. Катталарга ҳурмат, кичикларни авайлаш, бир-бирига меҳрибонлик, айниқса, аёлларни иззат қилиш одатга, қоидага айланиб бориши керак.

Болаларга онани ҳурмат қилишга, унга меҳрибон бўлишни ўргатиш ота-онанинг муҳим вазифасидир.

Одатда ўғил отасига, қиз бола онасига ўхшашга, улардаги яхши хислатларни ўзига сингдиришга ҳаракат қилади. Ота ҳам она ҳам болани тарбиялашга ўз ҳиссаларини қўшади. Она ғамхўр, меҳрибон, кўнгилчан ўй бекаси бўлса, ота - куч-қудрат, жасурлик, каттиққўллик ва адолат рамзи. Ота кўпроқ боланинг ақлий ва жисмоний ривожланиши учун қайғурса, она ҳам болаларнинг ақлий, ахлоқий, жисмоний, руҳан ва маънан камолоти учун барабар жавобгар, чунки, уларнинг бирдан-бир мақсади шахсни тарбиялашга қаратилгандир. Ана шу жараённинг муваффақиятли бажарилиши, кўп ўринда ота-онанинг обрўсига боғлиқ. Манфаатлари умумий бўлган аҳил оилада яхши одат, анъаналар вужудга келади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар.

Оила муносабатларидаги ҳуқуқий асослар нималардан иборат?

1. Оиланинг ахлоқий асослари деганда нимани тушунаси?
2. Соғлом муҳит психологияси шаклланиши учун оила қандай ташкил қилиниши керак деб ҳисоблайсиз?
3. Оила ва никоҳ деганда нима дея оласиз?

Таянч тушунчалар.

1. Этика - урф-одат, ахлоқийлик, маънавийлик ҳақидаги таълимот.
2. Эстетика - гўзаллик, санъатнинг барча турлари, табиат ва турмуш гўзаллиги ва дид кўринишларидир.
3. Эмоция - (ҳаяжонлантираман, изтироблайман,) - ҳис-ҳаяжон, туйғунинг бир тури бўлиб, у ёқимли ва ёқимсиз кечинмалардан иборат.
4. Эмпатия - бошқа кишиларнинг психик ҳолатларини тушуниш ва уларга ҳамдардлик қилиш қобилияти.

2-мавзу: ЎСПИРИНЛАРНИ ТУРМУШ ҚУРИШГА ТАЙЁРЛАШ-2 (соат) РЕЖА:

- 1.1 ўспиринларнинг ахлоқи ва руҳияти.
- 1.2 ўспиринларни турмуш қуришга тайёрлаш.
- 1.3 Севги - мураккаб, юксак инсоний туйғу.

Фойдаланган адабиётлар

1. Оила этикаси ва психологияси. Х.Узоқов, Э. Гозиев, А.Тожиев.
2. Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси. О.Тураева, Т., ўқит. 1990й.
3. Оила педагогикаси. А.Мунавваров. Халқ педагогикаси ва маънавий қадриятлар тарбия манбаи.

2.1. ЎСПИРИНЛАР АҲЛОҚИ ВА РУҲИЯТИ.

ўспиринлик 16-18 ёшларни қамраб олган, анча мураккаб давридир. Мазкур даврда ўқувчи ҳам жисмонан, ҳам маънавий, ҳам руҳан соғлом ривожланишга қадам қўяди, ижтимоий жиҳатдан етуқликка интилади. Жамият фуқароси ҳамда 18 ёшида эса сайлаш (сайланиши) фуқаро сифатида ижтимоий жиҳатда вояга етиши, турмушда ўз ўрнини топиши, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш, етук шахс тариқасида руҳияти ва маънавиятининг ривожини учун жамики шарт-шароитларини яратади.

Ўспирин шахси унинг ижтимоий ҳаётида, мактаб жамоасида, тенгқурлари билан шахслараро муносабатлар давраидаги, ўқиш ва турмуш шароитидаги ўзгаришлар таъсири остида таркиб топа бошлайди.

Ўспириннинг меҳнат фаолиятида, таълим-тарбия жараёнида ақлий ва ахлоқий жihatдан ўсишида ўзига ҳос ўзгаришлар, янги ҳислат ва фазилатлар намоён бўлаётганлиги кузатилади. Юқори синф ўқувчилари ижтимоий ҳаётдаги вазифаларни ҳал этишда қатнаша бошлайдилар. Ижтимоий ҳаёт тарзида, таълим-тарбия характериининг ўзгариши йигит ва қизларда илмий дунёқараш, эътиқоднинг шаклланишига, юксак ҳис туйғуларнинг юзага келиши, билимларни ўзлаштиришга ижодий ёндошишнинг кучайишига олиб келади.

Турмушда ўз ўрнини топишга интилиш, касб-ҳунар эгаллаш, ихтисос танлаш, истикбол режаларини тузиш, келажакка жиддий муносабатда бўлишни тақоза қилади. Бироқ бу давр жўшқин куч-ғайрат, шижоат, қаҳрамонлик кўрстишга интилиш, ҳаётда эркин дунёқараш ва мустақил ҳаракат қилиш: жамоага, жамият ва табиат ҳодисаларига романтик муносабатда бўлиши каби хусусиятлар билан бошқа ёш давларидан кескин ажралиб туради.

Айниқса, турмуш ва ўқиш фаолиятларининг янгича шарт-шароитлари, синф жамоасидаги вазият, ўспиринларнинг мактабда эгаллаган мавқеи, жамоат ташкилотларида тажриба орттириш уларга ўзгача талаблар ҳамда маъсулиятли вазифалар юклайди. Бу даврга келиб, юқори синф ўқувчилари мактаб муҳитида ташкилотчи, раҳбар, тарбиячи, ташвиқотчи каби вазифаларни ҳам ўтай бошлайдилар.

Руҳшунос ва педагог олимларнинг олиб борган қатор тадқиқотлари шуни кўрсатадики, мактабда тарбия тартибли, изчил олиб борилмаса, йигит ва қизларда чинакам ғоявий барқарор эътиқодни шакллантириш ҳақида сўз бўлиши ҳам мумкин эмас. Ўспиринлар ахлоқий тушунчаларни оқилона шакллантириш, ножўя ҳуқ-атвор, чет эл фильмларнинг маънавият ва руҳиятга салбий таъсир этишини мустақил тушунтириш лозим.

1.1. ЎСПИРИНЛАРНИ ТУРМУШГА ТАЙЁРЛАШ.

Турмуш оғирликларининг аччиқ-чучугини хали синаб бошидан кечирмаган, маънавий ва руҳий жihatдан тўла камолотга эришмаган, ахлоқий нормаларни ўзида мужассамлаштирмаган баъзи йигит ва қизлар томонидан қурилаётган ёш оилаларнинг объектив ва субъектив сабабларига кўра бузилиб кетиши ҳоллари давом этаётир. Бунда таълим ва тарбия соҳасида йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ёшларни турмуш қуришга тайёрлаш ишларини такомиллаштириш, бунда оқилона усуллар топиш, ўзига ҳос вазиятлардан фойдаланиш.

Йигит ва қизларнинг маънавий ҳолатларни бартараф этишда, уларда ижтимоий онгини шакллантиришда бўлажак оиланинг калажагига юзаки муносабатда бўлмасликка ўргатишда ва уларни оила қуришга тайёрлашда жинсий тарбия алоҳида аҳамиятга мосликдир.

Эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлиги, бир-бирига садоқати ҳисларини ёшлар онгига сингдириш зарур. Бу ўринда ўқитувчи ўзбек миллий турмуш

тарзидан аниқ мисоллар келтириши лозим. Чунончи хотин-қизларга паст назар билан қараш, баъзан ҳуқуқда тенг эмаслик ҳолларини амалий ишда кўрсатиб қўйилаётган пайтларни кўз олдига келтириш, айрим ўз-ўзига ўт қўйган, сирка ичган, ўзини осган аёлларнинг аянчли ахволидан лавҳалар келтирилиши ҳамда уларнинг ижимоий илдизлари очиб ташланиши лозим.

Ўспирин йигит ва қизларга эркак ва аёл ўртасидаги муносабатлар тўғрисида ётиғи билан тушунтириш ота-она, шифокор, синф раҳбари ва ўқитувчилар жамоасининг муқаддас мураббийлик бурчи бўлмоғи лозим.

Мазкур муаммонинг ҳал қилиш қуйидаги кўрсатилган вазифалардан иборатдир.

1.Йигит ва қизлар ўртасида ахлоқий муносабатларни тўғри шакллантириш.

2.Ўспиринларда ўзаро ҳурмат, беғараз дўстлик, самимий ҳамкорлик ҳис-туйғуларини ривожлантириш.

3.Ахлоқий тарбиянинг табиий ва ижтимоий масалаларни, йигит ва қизларнинг ривожланиш хусусиятлари тўғрисида уларда илмий тушунчалар ва ҳаққоний тасаввурлар ҳосил қилиш.

4.Йигит ва қизларни жисмоний бақувват, соғлом, маданиятли қилиб ўстириш: тотув оила қуришга тайёрлаш.

Бундан ташқари баъзан қизларда ҳам йигитларга ўхшаб беқарор ҳислар юзага келиши мумкин.

Оилада ва мактабда ўспиринларнинг камолати учун қуйидаги зарур шарт-шароитларни яратиш лозим.

1.Йигит ва қизнинг кундалик режимини гигиена талабларига биноан тузиш ва ташкил этиш

2.Ўз вақтида ва нормал овқатланиш.

3.Шахсий гигиеник қоидаларига ўргатиш ва шу асосда кўникмалар ҳосил қилиш.

4.Ақлий ва жисмоний меҳнатни бир-бири билан алмаштириб туриш.

5.Оилада уй-рўзғор ишларига, мактабда жамоат ишларига жалб қилиш.

6.Йигит ва қизларда ўзаро бундай муносабатларни шакллантириш мақсадида, аввало бундай муносабатларнинг ота-она ва оила аъзолари ўртасида ҳамиша самимий ва тўғри бўлишини таъминлаш ва ҳаказо.

1.2. СЕВГИ - МУРАККАБ, ЮКСАК ИНСОНИЙ ТУЙҒУ.

«Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун»,-

Алишер Навоий.

деб, ишқсиз ҳаёт, ҳаёт эмас қабилидаги фикрни олға суради. Енгилтаклик билан ёхуд кўнгилхушлик билан юзага келадиган муҳаббат ҳақиқий бўлмайди. У вақтинча эхтиросдан иборат бўлиб, тезда сўнади. Натижада, қиз ва йигит азият чекиб бир умр пушаймонлик дардидан нола тортади. Бинобарин, севиш ва севилиш ҳам табиат инъом этган олий туйғу бахш этувчи юксак фазилат бўлиб, унинг янада ривож топиши ва шахснинг

камолотида муҳим роль ўйнайди: инсонда «маданият махсули бўлган хислатлар» юзага келади.

Атоқли давлат арбоби А.В.Луначарскийнинг муҳаббат, никоҳ ва оила хусусида баён этган фикрлари ғоятда характерлидир.

«Кутиш, кутиш, сабр-тоқат-қаноат, билан кутиш керак, зеро кишилар бир-бирини севган тақдирдагина узок умрли яхши турмуш курилади. Шу сабабли биз эркак билан аёлнинг бир-бирига кўнгил бериб юришини, уларнинг хирсий хислар ҳам аралашган муносабатларини инкор этмаслигимиз керак.

Ўз навбатида, ўқувчилар адабиёт дарсларида ўрганган, дарсдан бўш вақтларида мутолаа этган шеърий асарларида парчаларни ёддан ифодали ўқиб берадилар.

Шеърий асарлар билан бир қаторда, насрий ва драматик асарларга ҳам мурожаат этиш дарснинг таъсирчанлигини янада оширади.

Ўқувчилар севги-муҳаббати тўғрисида ёзувчи Абдулла қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романидаги бош қаҳрамонлар Анвар ва Раъно ўртасидаги ишқномадан иборат мушоирани чиройли қилиб ўқиб беришлари мумкин.

Анвар: -Хамиша хавфда кўнглим бу муҳаббат интихосидин,
Мени ҳам этмаса Мажнун дебон Раънони савдоси.

Раъно: –Муҳаббат жомидан нуш айлаган аҳли зако бўлмиш
Фунун тибда мажнундир кишининг қўйса сафроси.

Х.Х.Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» драмасидаги бош қаҳрамонлари Фофир ва Жамила ўртасидаги ишқий мубоҳасини ўқитувчи ёхуд ўқувчиларнинг ўзлари юксак оҳангдорлик билан таъсирчан ўқиб беришлари ҳам мақсадга мувофиқдир. Бинобарин хотиннинг вафодорлигига шубҳа уйғотган Хонзоданинг аччиқ киноя-кесатик гапларини эшитган Фофирнинг Жамилани қийин - қистокқа олиб унга берган таъна –дашномаларни ва ўз навбатида, Фофирга чинакам садоқатли эканлигини билдирган Жамиланинг юрак сўзларини синфда дарс жараёнида эхтиросли ўқишнинг ахлоқий – эстетик таъсири ғоятда кучлидир.

Бадиий адабиётда ифодаланган севги-муҳаббатни улуғловчи лавҳаларни таъсирчан эмоционал оҳангда ўқиш, ўз навбатида, бу юксак туйғуларнинг моҳиятини чуқур англашга ёрдам беради.

Севги – муҳаббат тўғрисидаги ўқувчиларнинг тасаввурларини бойитиш мақсадида илмий манбаларда баён этилган манбалардан ҳам ижодий фойдаланиш мумкин.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар.

- 1.Ўспиринларнинг ахлоқи ва руҳияти ҳақида қандай тушунчага эгасиз?
- 2.Ўспиринларни турмуш куришга тайёрлаш учун нималарга эътибор қилиниши керак деб ҳисоблайсиз?
- 3.Севги ҳақида қандай тасаввурга эгасиз?
- 4.Севгининг муҳаббат билан ўхшаш ва фарқли томонлари ҳақида тушунча бера оласизми?

Таянч тушунчалар.:

- 1.Оила психологияси – оиладаги ички психик ходисаларнинг ва уларнинг қонуниятларини илмий ва амалий томондан ташкил қилишнинг асосий йўл-йўриқларидир.
- 2.Ўуқуқий асослари – оилада ва оилавий муносабатларда ҳамманинг ўзига тегишли тенг ҳуқуқлигидир.
- 3.Шахслараро муносабатлари - мулоқот жараёнидаги ўзаро таъсир этиш натижасида рўй берадиган ижтимоий – психологик ходисадир.

ИИИ-МАВЗУ: ЗАМОНАВИЙ ОИЛА: МАЪНАВИЙ ДУНЁСИНING ГўЗАЛЛИГИ- 2-соат.

РЕЖА:

- 3.1. Ёшлиқ фаслнинг ўзига хос одоби ва психологияси.
- 3.2. қизлик шаъни ва йигитлик ғурури
- 3.3. ўртоқлик ва дўстлик.
- 3.4. Соғлом оила қадриятлар муштараклигининг асоси.

Фойдаланилган адабиётлар

- «Оила психологияси» Г.Б.Шоумаров, Т.,1999й. ўқитувчи наш-ти.
Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси. О.Тураева. Т.,1990й. ўқитувчи наш-ти.
«Муҳаббат психологияси» Г.Б.Шоумаров, Т.,1993й. ўқитувчи наш-ти.
Оила таянчи илмий мақолалар тўплами. Т.,1998й. ТДПУ.
Подготовка старшеклассников к семейной жизни. С.В.Ковалёв, М.Про 1991г.
«Психология в семье» И.П.Плотниекс, М., Педагогика 1991г.

3.1 Ёшлиқ фаслининг ўзига хос одоби ва психологияси.

Ёшлиқ, бу орзу, бу ишонч, бу жасоратга интилиш. Бу лирика ва романтика. Бу келажакка тузилган улкан режалар. Бу истикболнинг бошланиши.

(қудрат Хикмат).

Улуғ рус педагоги К.Д.Ушинский айтганидек, агар ёшлиқ орзуси бўлмаганда, инсоннинг ҳаёти бир нуқтада тўхтаб қолган бўларди. Кўпгина улуғ ғоялар ҳаёлпараст ёшлиқнинг беғубор палагида ниш ўрган. Ҳақиқатан

ёшлик, етуклик ёши - инсон умрининг бахори. Бадан куч-қувватга тўлган, қалбларда хис-туйғу, орзу-тилақлар ж'ш урган давр. Севиш, севилиш, яшаш, ўқиш, ишлаш тилаги хаёлни банд қилган одам.

қандай касбни эгалласам, қандай яшасам экан, қандай юрсам экан, одамдаги энг яхши фазилатлар нима ва уларни қандай қилиб эгаллаш мумкин, каби саволларга жавоб бериш чоғи.

Туғилиб ўсган элу-юрт қадрини, ота-она, туққан-туғишганлар меҳрини, дўст ўртоқнинг оқибатини тушуниш, эъзозлаш, хаётда ўзининг муносиб ўрнини топиб олишга интилиш давридир.

Бу давр ижтимоий ишларда активлик, ташаббускорлик, фидойилик, мустаҳкам ирода, кунт сабот ва матонатлилиқ, ижодиётга ҳавас, маънавий етукликка интилиш каби хусусиятлар билан характерланади.

Ёшлик балоғат ёши ўзи-ўзини бошқариш, оилавий турмуш қуришга ўзини пухта тайёрлаш давридир.

Унинг ўз мураккабликлари ҳам мавжуддир. ўн саккиз ёшга кирган ёки шу ёшга яқинлашганлар учун хис-туйғу софлигини сақлаб қолиш жуда муҳим. Бу ёшда қалбда севиш, сеvimли бўлиш истаги жўш ура бошлайди. Аммо баъзан ўткинчи ҳис-ҳаяжонлар, хирий интилишлар самимий соф туйғуларнинг ўрнини эгаллаб, ёшларни нотўғри йўлга олиб кириш мумкин.

1.2 ҚИЗЛИК ШАЪНИ ВА ЙИГИТЛИК ФУРУРИ.

қаерда аёллар, қизлар қаттиққўл, талабчан бўлсалар, 'ша ерда ўсмирлар ҳақиқий эркак бўлиб етишадлар.

(В.А.Сухомлинский)

Оналар қизлари тарбияси ҳақида гапирганларида кўпинча «Оҳ, қандай авайлаб, гард юқтирмай ўстирдим», дейшади. Бу жуда нозик ва ўринли ўхшатиш. Чунки, оқ қандга бирор гард юкса, тозалаш қийин уни кесиб ё қирқиб олинади. Кўпинча ташлаб юборилади. қиз боланинг номига илашган ёмон доғнинг ҳам кетиши шунча қийин. Баъзан ўша кишини бир умрлик гумон, шубҳа, бахти кемтиклик қийноғига солиб қўяди. Бунга бир диққатлик «хузур-халоват»га берилиб, ирода жilовини бўш қўйиш, ақл билан иш тутмаслик, «нима қилаяпман ўзи, бунинг оқибати нима бўлади?» деган саволни унутиш сабаби бўлади. Бебошлиқ кўчасига кириб, қизлик шаънига доғ тушуриб ўзини бир умр азоб-уқубатга к'йган қиз боланинг ушбу мактуби типик ҳолатини тасвирлаб беради:

Сизларга ёзаяпману, хаяжон вужудимни куюндай қамраб олаяпти. Сўзларим пойинтар-сойинтар тушаяпти. Неча йилдан бери изтиробда, пушаймондаман. Онам уй бекаси эдилар. Кўпчилик ичида катта бўлдим. Мендан аввалги фарзандларнинг кўпи олий маълумотли. Улар изидан мен ҳам юрдим. Уйимиз ҳамиша меҳмонларга тўлиқ бўларди. Акаларимнинг ўртоқлари, опаларим кенойимнинг дугоналари уйимизга бемалол кириб юраверарди. Дастурхонимиз оддий, отам ҳеч қачон дастурхонга ичкилик қўйишни хохламас эдилар. Ҳеч қачон шу хонадондан узоқда яшаган эмасман. Биринчи курсда пахта теримига чиқаётганимизда ўз жамоа-хўжалигимизга

эмас, узоқроқ савхозга боришимизни билиб юрагим шиғиллади. Аммо тез кўникиб кетдим. Худди ўзимизнинг жамоа-хўжалиги пахтазорларга ўхшаш, фақат кенроқ, уфқ билан қўшилган бепоён далалар. Умримда биринчи марта ўзимни катта, мустақил хис қила бошладим. Биринчи марта курсдошлар даврасида «пахтабоп» ўтиришларда қатнашишни бошладик.

Айримларнинг туғилган кунларини бахона қилиб, унча-мунча шампан ёки чиройли шишалардаги чет эл виноларидан ича бошладик. Одатда бу ўтиришларда қиз-йигитлар аралаш ўтирар эдилар, ўзимизни анча эркин, яъни «катталардек» тутардик.

Ўуллас калом шу тарзда ичкилик-ўтиришлар натижасида бир куни кечаси ўзимни бир умрга йўқотдим десам ёлғон бўлмайди. Халигача азоб чекаман. Энди бу ҳатони ҳеч тузатиб бўлмайди. Умримнинг бу аччиқ сабоғини шу боисдан сизларга ёзиб юбордим, зора сизлар ҳам мени ҳатойимни такрорламанглар деган мақсадда. Шу билан бирга ичкилик ичманглар деган бўлардим. Ота-онангизни айтганларига қулоқ солсангиз мени куйимга тушмайсизлар, чунки ота-она фақат фарзандининг фойдасини ўйлайди. Фарзанд эса катта бўлдим, - мен ўзим яхши биламан, мени ёш бола деб ўйламанг – деб бир куни ёшлик қилиб қўйганингизни билмай қолган кунингиз эса – унда кеч бўлади.

Мени бошқа бир болага ҳам унаштириб қўйишган эдилар. Унга ҳамма бўлган воқеаларни айтиб берган эдим, у олдин ўзини кўярга жой топа олмай қолди, кейинчалик эса ўзини босиб олди, ва у билан қовушмай туриб ажралишдик.

1.3 ЎРТОҚЛИК ВА ДЎСТЛИК

Асосан мактабда ўқиш даврида ўртоқлик ва дўстликка бўлган қизиқиш ўғил болаларда ҳам қиз болаларда ҳам энг юқори ўринни эгаллайди. Чунки бу ёш даврида ўқувчилар учун энг яқин кишиси, сирдоши ва уни яхши тушунадиган деб ҳисоблашишади. Шунинг учун ҳам нима қилиш керак бўлса биринчи навбатда ўртоғининг ва дўстининг фикри ва маслаҳати билан қилади ва ёндошади.

Мактабда ўқиш даврида ҳар иккала жинсдаги ўқувчилар бир-бири билан дўстона муносабатда бўлишлари, узаро ёрдам беришлари, бир-бирларини ҳурмат қилишлари шарт, лекин уларнинг ўртасида муқаддас, ҳеч бузилмайдиган парда, чегара бўлиши лозим. Йигитни бурчи қизни авайлаш, унинг шарм-ҳаёсини паймол қилмаслик, тақдирига юзаки қарамаслик, қиз эса навбатида уятчан, шарм-ҳаёли, андишали, камтар, қизларга ҳос мағрур, назокатли бўлиши шарт ва лозимдир. қизлик ор-номусини паймол қиладиган ҳатти-ҳаракатлар ва хирсга барҳам бериш келажакдаги бахти учун зарур эканлигини ҳар бир ўғил ва қиз билиб қўйгани яғши. Ёшлар ўртасидаги дўстлик ва ўртоқлик жараёнларининг шаклланишида ахлоқий тарбия муносабатларнинг ривожланишида жамоа муҳим рол ўйнайди.

Ёшларда оила тўғрисида тасаввур уйғотиш учун синфдан ва мактабдан ташқари ишлардан, чунончи турмуш муаммоларига бағишланган мунозара ва муҳокамалар ўтказишдан фойдаланиш мумкин.

1. Йигит билан қиз ўртасидаги чинакам дўстлик нимадан бошланади?
2. Сизнингча ҳақиқий севги нимадан иборат?
3. Сизнингча бахт нимадан иборат?
4. Жамиятимизда оила қандай рол ўйнайди?
5. Оила қуришга тайёرمىсиз? каби мазмунларда савол-жавоб кечаларини йигит ва қизлар учун алоҳида-алоҳида ўтказиш лозим бўлади.

1.4 СОФЛОМ ОИЛА ҚАДРИЯТЛАР МУШТАРАКЛИГИНИНГ АСОСИ.

Инсоният ХХИ аср бўсағасида турар экан, давлатимиз томонидан 1998 йилни Оила йили деб эълон қилиниб, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш учун ўзларининг беминнат ҳиссаларини қўшаётган, давлатимизнинг моддий-ижтимоий ва ҳарбий куч-қудратини юксалтиришни пировард мақсад қилиб қўйиб, унинг сафини Ватанга муҳаббат, нодўстларимизга нафрат руҳида шаклланаётган ёш авлодни камолга етиштириб бораётган муътабар ва муқаддас оилага бу эътибор - жамиятимизнинг инсонпарварлиги ва танланган ижтимоий йўлимизнинг аниқ ва тўғрилигини яна бир бор рад этиб бўлмас исботдир.

Оила ҳар бир миллатнинг қадриятлари шаклланиб ривож топадиган, камолотга эришадиган муқаддас манзил бўлиб, миллий қадриятларнинг дастлабки нав-нихоллари ана шу муқаддас масканда юзага келади, ўсади ва келгусида ўз мевасини беради.

«Оилани ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилганлиги сиёсатимизнинг тамал тошидир, - деб таъкидлайди Республикамиз Президенти Ислом Каримов – Биз давлатимизнинг ижтимоий негизларини, унинг барқарорлигини мустаҳкамлашда, жисмонан бақувват, маънавий бой авлодни-мамлакатимизнинг эртанги куни эгаларини тарбиялашда оиланинг ролини оширишига жуда катта аҳамият бермоқдамиз».

Оила жамиятнинг энг кичик бир қисми бўлиб, боланинг маданий, эстетик ва бошқа эҳтиёжларининг ўсишини ва соғлом турмуш тарзини таъминловчи;

Оила боланинг феъл-атвори асосларини шакллантирувчи биринчи мураббий;

Оила-хаётнинг барча жабҳаларида ёш авлоднинг доимий маслаҳатчиси, йўл-йўриқ кўрсатувчисидир.

Демак, оиланинг мустаҳкамлиги, унинг моддий, маънавий тўла-тўқислиги – бу давлатнинг ёки жамиятнинг фаравонлиги демакдир. Чунки, оиласи камбағал бўлган мамлакат камдан-кам ҳолларда ривожланади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар.

1. қизнинг ҳаё-ибоси ҳақида тушунча беринг?
2. қизнинг хусни нимада?
3. Йигит-эркакларнинг қайси фазилатларини ёқтирасиз?
4. қиз бола билан ўғил бола ўртасидаги севги ва муҳаббатни қандай таърифлайсиз ва баҳолайсиз?
5. Бахтли бўлиш учун нималарга эътибор қилиш керак бўлади?

Таянч тушунчалар.

1. Ифбатлилик - бу ор-номусли, иболи, ҳаёли ва покиза дилли демакдир.
2. ўртоқлик - бу бир мақсад сари интилаётган, мустақилликни кўриш йўлидан бораётган одамлар тушунилади.
3. Дўстлик – бу иккита кишининг бир-бирига бўлган ишончлари асосида кўрилган ҳамкорлик ва жипслик ва сирдошлилик демакдир.

ИВ. МАВЗУ: ОИЛАНИНГ МИЛЛИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ.

2 - соат.

РЕЖА:

- 4.1.ўзбек оиласининг этнопсихологияси.
- 4.2.Оила тарбияси ва маънавият.
- 4.3.Оила ва бола.

Фойдаланган адабиётлар.

- 1.Оила этикаси ва психологияси. - Х.Узоқов, Э.Фозиев, А.Тожиев.
- 2.Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси. – О.Тўраева. –Т., 1990.й. ўқит.
- 3.Оила таянчи - Илмий мақолалар тўплами.,-Т., 1998.й. ТДПУ.
- 4.Подготовка старшеклассников к семейной жизни. С.В.Ковалев.М., пр.1991.й.
- 5.Психология в семье. – И.П.Плотненко., М. "Педагогика".

4.1. ўЗБЕК ОИЛАСИНИНГ ЭТНОПСИХОЛОГИЯСИ.

Ҳар бир миллат ўзига хослиги, миллий маданияти, миллий адабиёти миллий тили ва шу миллатнинг руҳий (маънавий) тарзининг мажмуасида, яъни миллий руҳиятида ўз ифодасини топади.

ўзбек халқининг ўз руҳий қиёфаси, миллий хусусияти, миллий характери, миллий туйғуси, мижози (темпераменти), хулқ-атвори, ахлоқи, диди, таъби алоҳида ажралиб туради. ўзбек миллатининг билиш жараёнлари,

қобилиятининг аниқ йўналишига қаратилганлиги, эҳтиёжи ва қизиқиши, миллий онги ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Ўзбек халқининг тарихий анаъналари, урф-одатлари, удуми, расм-русмлари, ахлоқ меъёри, турмуш маънавий қадриятлари, шахслараро муносабати, мулоқот мароми ва хусусияти бошқа қардош халқларникидан маълум даражада тафовутланади. Масалан, ўзбек халқи характерида андишалик, хушмуомалик, ширинсуханлик, меҳмон кутишдаги қўли очиклик ва сахийлик одатлари мавжуд. Шунинг билан бирга, сабр-косаси тўлғач, зўравонларга нисбатан аёвсиз бўлиш, юрган йўлидан ортга қайтмаслик, исёнкорлик, бир сўзлик одати ҳам халқимиз учун хосдир.

Милий характер муайян миллат фазилатларининг ўзига хос хусусиятларининг мажмуасидан иборат бўлади. Миллий характер ўз ичига иродавий сифатларни (мустақиллик, чидамлик, принципиаллик, ўз-ўзини тутати билиш, қатъийлик, матонат кабиларни) ва ахлоқий хислатларни (поклик, интизомлилик, самимийлик, ҳаққонийлик, инсонпарварлик ва бошқаларни) қамраб олади. Шунингдек миллий характер одамларга бўлган муносабатларни (яхшилик, меҳрибонлик, талабчалик, такаббурлик), меҳнатга бўлган муносабатларни (меҳнатсеварлик ёки ялқовлик, маъсулиятлилик ёки маъсулиятсизлик), нарсаларга бўлган муносабатларни (озадалик, ифлослик, тежамкорлик-исрофгарчилик, аяш ёки аямаслик) ва одамларнинг ўз-ўзига бўлган муносабатларни (иззат-нафслилик, шухратпарастлик, мағрурлик, ўзини катта тутиш, димоғдорлик, камтарлик) каби хусусияларни ифодалайди. Миллий ўз-ўзини англаш одамнинг ижтимоий этник умумийликка (бирликка) мансублигида, ижтимоий соҳадаги муносабатларда ўз миллатининг эгаллаган мавқеини яққол тасаввур қилганида, миллий манфаатдорлигида ёрқин ифодасини топади.

Оилавий таъсир (оила турмуш тарзи, ота-она нуфузи, оилада шахслараро муносабатлар мароми), миллий тил муҳити, маънавиятга интилиш (қизиқиш), турмушдаги қариндош-уруғчилик риштаси ёрдамида ўз-ўзини англаш намоён бўлади.

4.2.ОИЛА ТАРБИЯСИ ВА МАЪНАВИЯТ.

Дунёдаги барча мавжудот жуфт-жуфт этиб яратилгани аниқ бўлиб, жуфт бўлиб яшаш замирида ҳаётнинг давомийлиги ётади, инсон учун эса нафақат жуфт бўлиб яшаш, балки оила қуриб яшаш бахтига мушарраф бўлган инсоннинг жамиятдан ҳам одамлар томонидан, ҳам Оллоҳ Таоло томонидан муқаддас этиб, энг олий поғонига қўйилганлигига ҳам бир асосдир. Чунки жуфти-халоли, фарзандлари ва қариндош уруғлар билан бир умр узилмас ришталар ила боғланиб яшаш фақат инсонгагина хос фазилатдир.

Инсон оилада дунёга келади. Мурғак фарзанд ота-онадан нафақат ирсий хусусиятларни қабул қилиб олади, балки у ҳаётда одамзотга хос бўлган барча хатти-харакат, кўникма, малака ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларини

ҳам ўз оиласида эгаллайди, камол топтиради. Инсоннинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий–руҳий камолоти албатта оиладан бошланади.

Фарзанд ота-она жисмидан хосил бўлган янги бир ҳаёт, ота-онанинг такрорланувчи болалиги, ёшлиги навқиронлиги ва баркамоллигидир.

Фарзанд оилани мустаҳкамловчи, Оллох наздида ҳам бу никоҳнинг муқаддаслигини исботлаш олий неъмат, олий бир бахтдир. Бундай бахтга сазовор бўлган оилалар, унинг қадрига етиб, фарзоналари кун сайин ўсаётган камолотларига, чиқарётган қилиқлари, бийрон тилига қараб завқланади. Келажакда комил инсон бўлиб етишлари учун бор сай-ҳаракатларини қиладилар. Бир-бирини қадрлайдиган, бахтини фақат ўз ёри билангина мукаммал билган мустаҳкам онларида ўсган болалар эса, бундай меҳрумуҳаббатни, тарбиянинг натижасини жамиятда одамлар орасида кўрсатадилар. Хозирги кунда инсон, унинг фикри-хаёли, қувонч ва ташвишлари, маънавияти биз яшаётган Ватан деб аталмиш улуғ заминда долзарб вазифа қилиб қўйилган экан, инсон дунёга келиб, ўзининг кимлигини англаб оладиган, дастлабки ва умрбод тарбия манбаи бўлган оила давлатнинг ҳам, жамиятнинг ҳам энг асосий диққат эътиборида бўлмоғи жоиздир. Чунки Ватаннинг келажаги, унинг тараққиёти, фуқороларнинг ижтимоий сиёсий онгининг юқорилгига, маънавиятнинг баркамоллигига, ўзлигини англашларига боғлиқдир.

Шу сабабдан ҳам Республикамизда одамзот ҳаётининг бир йиллик даврини, яъни 1998 йилни «Оила йили» деб эълон қилинди. Февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг республика «Оила илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Бу қарордан мақсад жамият тараққиётида маънавий баркамол ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни муҳимлигига эътибор бериб, оилага таалуқли бой ва сермазмун миллий анаъналарини авайлаб-асраш, уларнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур сингдириш йўли билан, оилаларнинг мустаҳкамлилигини, оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонликларини ошириш муаммоларини илмий ўрганишни ва фуқороларга бу масалаларда амалий ёрдам беришни мувофиқлаштириш каби долзарб масалалар қўйилган.

Ҳақиқатда ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом, комил инсонни тарбиялашда оиланинг вазифаси ниҳоятда улуғ.

Ота-онанинг назарида фарзандини кимлар билан дўст тутунаётганлиги, қандай фильмлар томоша қилиб, қандай китоблар ўқиётганлиги ҳам четда қолмаслиги керак. Фарзанд вояга етиб борган сари вужудга келиши лозим бўлган балоғат ёшидаги ўзгаришлар ҳақида ҳам бегоналардан эмас, ўз оила аъзоларидан билгани маъқул.

Амир Темур ҳам «Фарзандимни оила қуриш масаласини сиёсат масаласи даражасида кўраман», - деб бежиз айтмаганлар. Чунки оила деб аталмиш улкан дарахтнинг илдизлари мустаҳкам бўлса, унинг шохлари баққуват, берадиган ширин-шакар мевалари ҳам шунчалик тотли бўлади.

Мустақиллик туфайли оилага берилаётган жиддий эътибор, унинг муқаддас эканлигини тан олинаётганлигини келажакда буюк алломада донишманд инсонлар, буюк сиёсатчилар халқимиз орасидан яна етишиб чиқишлари учун бир замин бўлса ажаб эмас.

4.3.ОИЛА ВА БОЛА.

Шахснинг камол топишида оиланинг етакчи таъсири бор. Оила тарбиясининг ўзига хос миллий хусусиятлари ҳамда типик камчиликларини бартараф этиш йўллари, тарбия самарадорлигини ошириш омилларини тушунтириш, оила тарбияси, оиладаги тарбия имконияти ва педагогик маданият ҳақида тушунчалар берилади.

Болага оилада яхши тарбия бериш бола ҳаётининг дастлабки вақтларидан бошлаб, ота-она олдида турган асосий мақсад ва вазифадир, яъни ота-онанинг шахсий ишигина бўлиб қолмасдан балки, уларнинг ижтимоий бурчи ҳамдир. Маълумки шахснинг қадрияти унинг жамиятдаги тутган ўрни билан белгиланиб, кўп жиҳатдан унинг тарбиясига боғлиқ бўлади. Шу сабабли табиийки, ота-она ўз болаларининг тарбиячиси ҳисобланади.

Ризоуддин ибн Фаҳриддиннинг «Оила» номли рисоласида «Бола тарбияси ёмон ният ва кўполлик билан эмас, балки сабр-тоқат матонат, меҳрибонлик, чидамлик, шафқату-сезгирлик билан бўлиши керак», каби фикрлар ёзиб қолдирилган.

АБУ АЛИ ИБН СИНО оилавий тарбия тўғрисида шундай фикрлар билдирган. «Боланинг хулқини мўътадилликда сақлашга алоҳида эътибор бериш керак, унга эса болани қаттиқуллик ва қаттиқ ғазабланишдан, кўрқиш, ҳафалик ва уйқусизликдан сақлаш орқали эришилди. Оилада боланинг кўз ўнгида ота-онаси ўз обрўсига эга бўлсалар, тарбия шунчалик самарали натижалар беради.

Ота-она бир-бирини севса, бир-бирига шодлик бағишласа, уларнинг болалари ҳам кўпинча одамларга меҳр –оқибатли, диққат-эътиборли бўлиб улғайиши аввалдан маълум. Айниқса ўзбек оиласида ота жуда қадим замонларданоқ оила бошлиғи ҳисобланган. Шунга кўра унинг оддийлик, ҳалоллик, қатъийлик каби ижобий хислатлари ҳам бошқаларни ранжитадиган салбий хусусиятлари ҳам болага ўтиши табиий ҳолдир. Ота-она бўлган ҳар бир киши олдида ўз обрўсини сақлаш ва бунинг учун диққат –эътиборли бўлиш талаб этилади.

Агар ота – она айтиб ўтилганларга эътибор ва амал қилган ҳолда ўз фарзанадларини тарбияласалар ҳаётда тўғри йўлни танлаган бўладилар.

МАВЗУНИ МУСТАЎКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР.

- 1.Оиланинг миллий хусусиятлари деганда нимани тушунасиз?
- 2.Оила тарбиясини маънавий томондан шакллантириш учун нима ишлар қилиниши керак?

- 3.Бола тарбиясида ота-онанинг бурчи ва маъсулияти ҳақида.
- 4.Оилада ўзаро муносабатлар ахлоқи ва психологияси?
- 5.Оилада болаларни тўғри тарбиялаш шартлари ҳақида тушунча?
- 6.Ота-онанинг шахсий намунаси деганда нимани тушунаси?
- 7.ўзбек оиласининг этнопсихологияси ҳақида?

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

1.Этнопсихология – психология фанлари соҳасидан бири бўлиб, одам психикасининг этник хусусиятларини, миллий характерини, миллий ўзлигини англаш, этник стереотип сингари функцияларнинг шаклланиш қонуниятларини ўрганади.

2.ўйин-фаолият турларидан бири бўлиб, бу болаларнинг каттталар фаолиятини, уларнинг иш-ҳаракатларини, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни акс эттиришдир.

В-МАВЗУ: ОИЛАДА БОЛАЛАР ТАРБИЯСИНING ПЕДАГОГИК –ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

2-соат.

РЕЖА:

- 5.1.ўзбек оиласининг тузилиши ва шахслараро муносабатлар.
- 5.2.Оилада болалар тарбиясининг педагогик-психологик хусусиятлари
- 5.3.Оилада болаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида маънавий –ахлоқий тарбиялаш асослари.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Оила этикаси ва психологияси. Х.Узоқов, Э.Ҷозиев, А.Тожиев. Тошкент. ўқитувчи нашриёти. – 1992 йил.
2. Оила таянчи. – Илмий мақолалар тўплами., - Т., - 1998 йил. ТДПУ.
3. Подготовка старшеклассников к семейной жизни. С.В.Ковалёв. Москва. – Просв-е. 1991 йил.
4. Психология в семье – И.П.Плотниекс. М. "Педагогика" – 1991 йил.

5.1 ўзбек оиласининг тузилиши ва шахслараро муносабатлар.

Ёш авлодни ҳар тамонлама мукамал шахс қилиб тарбиялашдек маъсулиятли вазифа ота-она елкасида. Дарҳақиқат, инсон шахсини

шакллантириш оиладан бошланади. Ҳусусан болада ирода, одатлар, феъл-атвор, ҳулқ, атрофга муносабат, эътиқод ва қарашлар вужудга келади. Ана шулардан келиб чиқиб, турмушда инсонни камол топтириш шароитлари, таъсир кўрсатиш имкониятларини изчил ўрганмай туриб, шахснинг хусусиятлари ва уларни келтириб чиқарувчи омиллар тўғрисида фикр юритиш мумкин эмас. Оила мурқаб ижтимоий гуруҳ бўлиб, биологик, ижтимоий, ахлоқий, мафкуравий ва руҳий муносабатларнинг бирлашуви натижасида вужудга келади. Шу сабабли турмушдаги ва оила аъзолари муносабатларидаги ўзгаришлар унинг моддий-маиший, иқтисодий негизи ўзгаришига бевосита боғлиқдир.

Оила аъзоларининг ўзаро муносабатларини тадқиқ қилган венгер социологи М.Комлежи 10-14 ёшдаги мактаб ўқувчиларининг ўқишга, меҳнатга бўлган муносабатига бевосита таъсир қилувчи оила муҳити (вазият, шароит, ҳолат) омилларини тўрт гуруҳга ажратади:

1)ота-оналарнинг жамоатчилик фаолияти (уларнинг мафкуравий қарашлари ва ишга нисбатан муносабатлари):

2)оила ичидаги муносабатлари (ота-она муносабати, ота-оналарнинг бува ва бувига муносабатлари, ака-укалар ва опа-сингилларнинг ўзаро муносабатлари):

3)ота-оналарнинг тарбиявий–педагогик фаолияти (уларнинг тарбиявий муаммолари, қизиқишлари, мактаб билан ҳамкорликлари, ўқувчиларга дарс тайёрлаш кезида ота-оналарнинг ёрдами, уларнинг тарбиявий аҳамияти):

4)оилада ўқувчининг фаолияти (ўқувчининг кундалик тартиби, ҳўжалик ишларидаги муайян мажбурияти) ва бошқалар.

Ҳозирги кунда жамоатчилик қуйидаги долзарб муаммолар ташвишга солмоқда. Оилада ўғил-қизлар кимлар томонидан тарбияланаяптилар ва улар қандай руҳда, маромда тарбия олмақдалар? – Оиланинг тарбия иши режаси ва тартибли олиб бориладими? ўқувчилар к'з ўнгида ота-она, катта ёшдаги қариндош–уруғлар, туғишганлар қандай даражадаги обрўга эгалар? Оила тарбияси ва ота-она ўртасида бирлик, умумийлик мавжудми? Мактабда қўлланаётган ахлоқий тарбия воситалари ва шакллари қандай тадбиқ этилмоқда? Оилада рағбатлантириш ва жазолаш методларидан қай йўсинда фойдаланмоқда ва шу қабилар. Шунингдек, шахслараро муносабатларда оила аъзоларининг асаб системаси (унинг кучи, мувозанати, илдамлиғи, беқарорлиги), темпераменти (унинг холерик, сангвиник, флегматик тоифалари), ғоявий маслағи, унинг қизиқиши, ҳис-туйғуси, идеали, эътиқоди, дунёқараш, шахсий позицияси) ахлоқий ҳислати, диққати, унинг кучи, тарқоқлиғи, паршонхотирлиғи, тийраклиғи) хотираси, иродаси (мустақиллиғи, қатъийлиғи, дадиллиғи, мард-қўрқмаслиғи), нутқ (мазмунли, мантиқли, оҳангли, суръати, дағал ва юмшоқлиғи), эмоционал ички кечинмлари (қайфияти, эҳтироси, зўриқиши, жўшқинлиғи, кўрслиғи, аччиқланиши, хурсандлиғи) қабил руҳият ва маънавият жихатларини ҳисобга олган ҳолда жорий қилиш муаммолари ҳам кишиларни жуда қизиқтиради.

Оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар тузилишининг тахминий схемаси қуйидагича:

- 1)бува ва буви ҳамда оиланинг қолган барча аъзолари алоқаси:
- 2)ота-онанинг ўзаро муносабатлари:
- 3)ота-она ва фарзандлар орасидаги мулоқот:
- 4)фарзандларининг ўзаро муносабатлари тартиби:
- 5)келиннинг барча оила аъзолари билан муносабатлари:
- 6)келинларнинг (овсинлар) ўзаро мулоқот қилишлари кабилар.

5.2.ОИЛАДА БОЛАЛАР ТАРБИЯСИНING ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.

Ахлоқий тарбияни изчил ва тартибли амалга оширишда оила ғоят муҳим роль ўйнайди. Инсон ахлоқий, маънавий ва руҳий қиёфасининг пойдевори оилада қўйилади. Шунинг учун ҳам машҳур алломалар оила тарбиясига катта эътибор бершган ҳамда шу масалага бағишлаб қатор қимматли асарлар ёзишган.

Ўзбек халқининг кўп асрлик бой маданияти ва тарихи бор. Мазкур маданий мерос жамиятдаги жамики маънавий бойликларни ўз ичига олади. Айниқса, ўрта Осиё халқлари педагогикаси, маънавий-маданий тарихи бой меросга эга бўлиб уларнинг моҳияти, мазмуни халқ ижодиётида, илғор мутафаккирларнинг асарларида акс этган. Хусусан, жумҳуриятимиз халқларининг педагогика ва руҳшунослик фанлари бўйича меросини ўрганиш ишлари хали ўзининг кўпгина тадқиқотчиларини кутиб турибди. Хатто бир неча асрлар илғари Ат-Термизий, Исмоил Бухорий каби алломаларнинг инсон маънавий оламини бойитадиган дурдона ёдгорликлари, хусусан, «қуръони-карим» мазмунини ёритадиган ҳадислар мажмуаси мусулмон оламининг ҳаётбахш офтобидир. Унинг нурларидан ёшларимиз, фарзандларимизни баҳраманд этиш фурсати келди.

Оилада бола тарбиясининг ўзига хос қоидалари мавжуд бўлиб, ота-оналар улардан ўринли фойдаланишлари лозим. Хусусан, улар қуйидагича:

- 1)оилада хиссий мослик, руҳий хотиржамлик ва илиқ иқлим яратиш:
- 2)ота-она обрўсини сақлаш:
- 3)тарбияда ота-она, катталар ўртасида талабчанлик бирлиги:
- 4)бола шахсини меҳнатда тарбиялаш:
- 5)оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлиги:
- 6)болани севиш ва иззат қилиш:
- 7)оилада қатъий режим ва кун тартиби ўрнатиш:
- 8)тарбияда болаларнинг ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш:
- 9)бола тараққиётини аниқлаб бериш:
- 10)болада ташаббускорлик сифатларини ҳосил этиш ва бошқалар шулар жумласидан.

5.3.ОИЛАДА БОЛАЛАРНИ МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ КАДРИЯТЛАР АСОСИДА МАЪНАВИЙ–АХЛОҚИЙ ТАРБИЯЛАШ АСОСЛАРИ.

«Алхосил, тарбия бизлар учун ё хаёт ё-мамот, ё нажот, ё халоқат, ё саодат, ё фалокат масаласидир».

А.Авлоний.

Ҳар бир халқ ўз оиласининг бахтли бўлиши, фарзандларнинг оқил, доно, хушмуомала, мард бўлиб камол топиши учун курашган. Жумладан ўзбек халқи барча Шарқ халқлари каби оилага, бола тарбиясига жуда катта аҳамият берган. Бу анъана авлодни халқ донишмандлигининг тимсоли сифатида ўтиб келган ва миллий маданиятимизда ўзига хос ўрин тутди. Илгари ота-оналар навоийхонлик, фузулийхонлик, бедилхонлик қилишганда, донишманд шоирлар асарларининг маъзини чақишганда, болалар ҳам жондилидан қулоқ солишган: нур-ҳикмат фикрлар ёшларимизга кучли таъсир этиб, уларнинг тарбияланишида муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда ёш оилаларнинг бузилиши, боланинг отасиз ёки онасиз тарбияланиш ҳоллари кўпайди: баъзи оиладек муқаддас жамоага енгилтаклик билан қарай бошланди, арзимас бахоналар, саёз фикрлар туфайли мурғак болани ота ёки она меҳридан бенасиб яшашига сабаб бўлди ва бу ходисалар ижтимоий ҳаётга ҳам ўз таъсирини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги қонунининг 30-моддасида шундай дейилган: Ота-оналар ёки қонуний вакилларнинг вазифалари. Вояга етмаган болаларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари боланинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт ҳамда уларнинг тарбияси, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар таълимини олишлари учун жавобгардир.

Ота-онанинг ўзига талабчан бўлиши, ўз оиласини ҳурмат қилиши, ота-она ўзининг ҳар бир қадамида назорат остига олиши лозим-тарбиянинг биринчи ва энг асосий методи шудир.

Ўзбек оилаларида болани меҳнатсеварликка ўргатишга алоҳида эътибор берилиши лозим. Масалан: она овқат пишириш, кир ювиш, уйни саранжом-саришта тутиш каби, ота эса рўзғордаги оғир ишларни, қишлоқ хўжалик ишлари, дурадгорчилик, молиявий ҳисоб ишлари қабилар бажариши кўзда тутилади.

«Бир болага етти кўшнилари хўжайин» нақлига амал қилган ҳолда маҳалла тўйлари, маъракаларида қатнашиб туриши лозим. Бунда яхши одамлардан кўриб ўзининг фазилатларини бойитади, камчиликларини йўқотишга ҳаракат қилади.

Таниқли шоир ва педагог А.Авлоний «боланинг соғлиғи ва бахти, аввало унинг яхши тарбияланишга, яхши ҳулқага эга бўлишга, уни ғайрий ахлоқий ҳаракатлардан огохлантирилишига боғлиқ» деган эди.

Тарбия воситаларидан бири-эртақдир. Эртақ орқали халқнинг урф-одатлари, ахлоқ қоидалари ифодаланади. Масалан: хайвон ва қушларни

асраш, дарахт шохлари ва гулларни синдирмаслик каби хислатлар сингдирилади. «қадриятларимизнинг «Сувга тупурма, гуноҳ бўлади!», «кушларни ўлдирма, қарғайди!» каби ўғитлари оила тарбиясидан бошланади. Ўар бир бола қалбида экологик маданиятни, табиатга мухаббат хиссини тарбиялаб бориш зарур.

МАВЗУНИ МУСТАЎКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР.

1.Оилада бола тарбиясининг ўзига хос хусусиятларини шакллантириш ҳақида нималарни биласиз?

2.Оилада болаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида маънавий–ахлоқий тарбиялаш асослари ҳақида тушунча бера оласизми?

3.Оилада болани тўғри тарбиялаш учун нималарга эътибор қилиниши керак деб ҳисоблайсиз?

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР.

1.Режим - бу тўғри тарбия воситадир.

2.Ижтимоийлаштириш - индивиднинг ижтимоий тажрибаларини эгаллаши ва бунинг натижасида у тажрибаларни такрор ишлаб чиқаришда қўллаш жараёни.

3.Эмпатия - бошқа кишиларнинг психик ҳолатларини тушуниш ва уларга ҳамдардлик қилиш қобилияти.

4.Ориентация - шахснинг ижтимоий-сиёсий ва жамиятнинг ахлоқ нормаларига муносабати тизими.

ВИ- МАВЗУ: ОИЛА МУСТАЎКАМЛИГИДА ЖИНСИЙ ҚОВУШИШНИНГ РОЛИ - 2соат

РЕЖА:

6.1.Рашк ҳисларининг ижтимоий психологик хусусиятлари.

6.2.Оила мустаҳкамлигида жинсий қовушишнинг роли.

6.3.Ёш оила ва ўзаро қовушиш ҳақида умумий тушунчалар.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР

1. Оила этикаси ва психологияси. Х.Узоқов., Э.Ғозиев, А.Тожиев. – Т., 1999 йил.
2. Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси. О.Тўраева.,., "ўқитувчи".- 1990 йил.
3. Оила таянчи. – Илмий мақолалар тўплами. – Т., 1998 йил. ТДПУ.

4. Мухаббат психологияси. – Г.Б.Шоумаров. – 1993 йил. Т., ўқит. нашр.

6.1.Ҳар бир оила жамиятимизда муҳим ўрин тутди. У инсон зотини давом эттиришдек буюк вазифани бажариб, ҳаётимизга тўқислик бағишлайди. Оила турмуш ва виждон қонунлари асосида кўрилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади. Шу билан бирга ҳар бир оила энг аввало давлат аҳамиятига моликдир, зеро ҳар бир оиланинг келажаги ва истиқболи унинг мустаҳкамлигига боғлиқ.

Оила бахти, фарзандлар истиқболи учун ота-оналар ўғил-қизларнинг оилавий ҳаётнинг ҳамма муаммоларига масъулият билан ёндашадиган, умр йўлдошини ҳурмат қиладиган, унга ҳамма вақт таянч, содиқ дўст бўладиган, келинлик, куёвлик вазифаларини ўрнига кўядиган, фарзандлик бурчини ўтай оладиган қилиб тарбиялашлари зарур.

Сўнгги йилларда мустақил республикамызда оила, никоҳ муносабатларида катта ўзгаришлар кузатилмоқда, бу борадаги ишларда ютуқлар билан бир қаторда айрим муаммолар ҳам кўзга ташланади.

Баъзан оила, никоҳ масалаларига беписанд қаровчилар ҳам учраб туради, мустаҳкам оилалар кўпайиши билан бирга баъзи бузилаётган оилалар ҳам йўқ эмас. Оқибатда «тирик етимлар», ота-она меҳридан узоқ бўлган қаровсиз болалар сони кўпаймоқда. Баъзи ота-оналар томонидан болалар тарбиясига эътибор пасайиб кетганлиги, ўсмирларни қонунбузарлик йўлларига кириб қолишлари, оилада ўзаро келишмовчиликлар, уруш-жанжаллар туфайли фожиаи воқеалар содир бўлмоқда. Оилада ака-укалар муносабати, қайнона-келин ва эр-хотинлар муносабатининг бузилиши ёмон оқибатларга олиб келмоқда.

Республикамызда бундай ҳолнинг олдини олиш, оилани мустаҳкамлаш мақсадида кўрилаётган тадбир-чора, олиб бораётган ишларни давлат томонидан назорат қилинаётганига – оиладаги иқтисодий, ижтимоий ҳаёт масалаларининг, бола тарбияси муаммолари, ёш оилаларнинг ажралиши, вафосизлик, турмуш ўртоқларининг бир-бирларига ишончсизлиги, рашк туфайли содир бўлаётган оиладаги жиноятларнинг ҳамда «тирик етимлар» муаммосининг матбуотда чоп этилаётгани, радио ва телевидениеда ёритилаётгани, мактабларда психологик хизматни йўлга қўйилаётгани ёрқин мисолдир. Шунда ҳам эр-хотин муносабатларининг бузилиши, ажралиш кўрсаткичларининг ортиб бораётганлиги, ёш ўспиринлар, қариндошлар орасидаги жиноятчиликнинг ошиши, ўз жонига қасд қилиш каби салбий ҳолатларни кўриш мумкин.

Мухаббат бор жойда ишонч бўлиши лозим. Ишончсизликдан эса кучли рашк пайдо бўлади. Рашк асосида юзага кедалиган келишмовчиликлар айрим ҳолатларда қотилликнинг содир этилиши билан якунланади. Психолог (Г.Б.Шоумаров, 1994) маълумотларга кўра жамиятда содир бўлаётган қотилликларнинг тўртдан бири оилада содир бўлиб, оилаларнинг 35 фоизидан ортиқроғи ёш оилаларни ташкил этади.

Жамиятдаги эр-хотин орасидаги қотилликларнинг 50,4 фоизи рашк туфайли содир бўлар экан.

6.2.ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИДА ЖИНСИЙ ҚОВУШИШНИНГ РОЛИ.

Оиладаги ахлоқий—маънавий иқлим, психологик-педагогик маданияти даражасининг юқорилиги, инсоннинг моддий эҳтиёжлари билан бир қаторда маънавий эҳтиёжларининг тўлақондирилиши оила мустаҳкамлигини таъминлайди. Шахснинг ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар унинг никоҳ-оила муносабатларига ҳам таъсир қилади. Никоҳ - оила муносабатларида бир қатор ижобий ўзгаришлар билан бирга маълум муаммолар мавжуд. Бугунги кун оиласининг мустаҳкамлигида айрим психофизиология омилларни илгаридан мавжуд бўлган аҳамиятлигини ташқи ва очик ифодаланиши холлари ўсиб бормоқда.

Айниқса эр-хотин ўзаро муносабатларига таъсир этувчи жинсий қоникмаслик, жинсий ҳаёт борасидаги саводсизлик, маданият даражасининг паст эканлиги никоҳдан ташқари жинсий муносабатларининг ортиш холларининг, ажралиш холларининг кўпайишига олиб келмоқда. Бу ўз ўрнида салбий асоратлар: тирик етим болалар сонининг ортиши ва уларнинг тарбияси билан боғлиқ бўлган муаммоларни, жамият миқёсида жинсий йўл билан ўтувчи касалиklar миқдорининг, юридик жаҳатдан вояга етмаган ёшларнинг турли ноқонуний жинсий муаммолари билан боғлиқ бўлган ахлоқсизликларни содир этиш холларининг, аёллар асаб касалликларининг ортиши ва оиласи, меҳнат жамоаси, фарзанд тарбиясига салбий таъсири, жинсий муаммолар таъсирида носоғлом, нотўлиқ оилалар миқдорининг кўпайиши ўз вақтида никоҳ-оила муносабатларини, оиланинг ички-психологик, жинсий ҳаёти борасидаги муаммоларини ўрганишнинг долзарблилигини кўрсатади. ўтказилган тадқиқотларда кўп йиллик ва ёш оилавий яшаш муддатига эга бўлганлар, ажрашган оилалар билан кузатиш ишлари олиб борилганда, хиссий-психологик қовушишда асосан низолар биринчи –саккизинчи йилларгача кузатилиши мумкин. Кейинги босқичда эса эр-хотинлар бир-бирларини индивидуал хусусиятларига кўника боришлари кузатилади. Аёллардан «Сизга ҳамиша мулозамат кўрсатилишини истаймиз?», деб сўралганда ёш оилаларда 86% аёл «ҳар доим» истайман, катта оилавий яшаш муддатига эга оилаларда 56% аёллар «вақти-вақти» билан, «тез-тез», жавобларини танлашган, аммо кўнгил учун ҳам озгина эътибор кўрсатмаслигини билдиришган, «начора» жавобини олишга мувофиқ бўлишган. Ажрим қилинган оилаларда эса аёллар эрлари томонидан кўрсатиладиган мулозаматлари оилавий яшаш муддатнинг биринчи-иккинчи йилларида «жуда яхши», «яхши» баҳолаганлар, кейинги йилларда бу кўрсаткич жуда кам», умуман йўқ» деб баҳоланган. Аксарият аёллар эрлари томонидан содир этилган никоҳдан ташқари жинсий муносабатларни содир этилган никоҳдан ташқари жинсий муносабатларни содир этилганлигини кечира олмаганлигини ажралишнинг сабабларидан қилиб кўрсатилган. «Агар

эрингиз билан ажрашувдан аввалги вақтингизда қайтиб келгудек бўлса, ажрашармидингиз?», деб сўралган саволга 88% аёллар «йўқ, ажрашмаган бўлар эдим», деган жавобни танлашган.

Жинсий ҳаётда ярашиб олиш бир томондан ижобий иқлимни вужудга келтирса, иккинчидан аёлларнинг эътирозига сабаб бўлиши мумкин экан. Аёл куни бўйи эридан эътибор кўрсатилишини кутиши ва бу эҳтиёжни қондирилмаслиги, фақат жинсий қовушишдагина кўрсатилган эътибор аёлда аразлаш ва гина-қудрат хиссини янада кескинлаштириши мумкин экан. Натижалардан кўриниб турибдики, оилада аёл кишига кўрсатиладиган мулозаматлар эркаклар томонидан «суъний» равишда чегараланиб, «олинар» экан. Яъни аёл кишига мулозамат кўрсатиш ёқимли сўзлар асосида аёлнинг гўзаллиги, севимли эканлиги ҳақида гапириш оилавий яшаш муддатининг дастлабки биринчи-иккинчи йилида «2-4» баллни, жуда кам ҳолларда «5» баллни ташкил этса, оилавий яшаш муддатнинг учинчи-бешинчи йилларида камайиб, олтинчи-ўнинчи йилларда ҳаттоки аксарият оилаларда аёлларнинг хиссий эҳтиёжларининг қондирилмаслиги кузатилди.

6.3.ЁШ ОИЛА ВА ЎЗАРО ҚОВУШИШ ҲАҚИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА.

Ҳар бир оиланинг мустаҳкамлигида оила аъзоларининг оилавий ҳаётдан мамнунлигида оила қурган ёшларнинг ўзаро қовушиши муҳим роль ўйнайди.

ўзаро қовушишнинг шартли равишда уч қисмлари мавжуд:

- 1.Биологик қовушиш.
- 2.Психологик қовушиш.
- 3.Социал қовушиш.

Ёш оиланинг дастлабки биринчи ойи қанчалик ширин, тотув ўтган бўлса, кейинги ой ва йиллари ҳам шунчалик хиссий бўлмасада яхши давом этиши учун нималарга эътибор бериш лозим? Юқоридаги қовушиш турларининг энг муҳими, асосийси қайси бири.

БИОЛОГИК ҚОВУШИШ - компонентнинг психологик компонентга нисбатан бир мунча барқарорлигини, кам ўзгарувчанлигини ҳисобга олиб қуйидагиларга алоҳида эътибор бериши лозим.

-шаклланган темпераментни ўзгартириб бўлмаслиги ва бунга интилишнинг фойдасизлигини унутмаслик керак. Темперамент жихатдан келин-куёв ҳар хил, баъзан эса бир-бирига қарама-қарши типларга мансуб бўлиши мумкин. Буни оила мустаҳкамлиги учун хавфли омил деб ҳисоблаш ҳатодир.

ПСИХОЛОГИК ҚОВУШИШ.

Социолог ва демографларнинг таъбирича, кўп оилаларда эр-хотиннинг маълумот даражаси кенг бўлади. Хотиннинг эрига нисбатан маълумот даражаси ортиқлиги оиланинг мустаҳкамлиги учун хавфли омил

хисобланади. Умуман ҳар бир инсоннинг билим савияси қанчалик юқори бўлса, унинг ўз умр йўлдошига бўлган талаби ҳам шунча юқори бўлади.

Психологик қовушишда муҳим роль ўйнайдиган билим, кўникма ва малакани кези келганда, уларни учга бўлиш мумкин.

а)оилавий ҳаётда муҳим аҳамиятга эга бўлган уй тутиши, тежамкорлик билан бозор қилиш, оила бюджетини тўғри тақсимлаш, турли овқатлар тайёрлаш ва хоказоларга доир билим, кўникма ва малакалар мавжудлиги:

б)болаларга қараш, уларни тарбиялашга доир билимлар, яъни ёш ота-оналарнинг психологик –педагогик савияси: оила, турмуш ўртоғи, болалари олида оталик, оналик, фарзандлик, етакчилик бурчларини, маъсулиятни ҳис этиш ва уларни адо этиш:

в)жинс ва жинсий ҳаёт психофизиологиясига доир билим, кўникма ва малакаларга эга бўлиш, умр йўлдошининг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш, бу соҳада сабр-чидамли бўлиш, яқин кишининг эҳтиёжларидан устун қўйишга тайёрлик.

Келин–куёвнинг мана шу билим, кўникмаларида ва малакаларида катта тафовут бўлиши мумкин.

СОЦИАЛ ҚОВУШИШ.

Психологик компоненти ижтимоий компонент ҳам киради. Ижтимоий ёки социал компонент шахснинг дунёқараши ва йўналиши (хаётий қадриятлари)дан ташкил топади. Оилавий ҳаётда қовушиш учун дунёқараш катта роль ўйнайди, унда шахснинг хаётий қадриятлари жуда катта аҳамиятга эгадир.

МАВЗУНИ МУСТАЎКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

- 1.Ижтимоий психологик хусусиятлар эр-хотин ўртасида ўзаро муносабатларида қандай кўриниши мумкин?
- 2.Оила мустаҳкамлигида жинсий пайдо бўлиш сабаблари ҳақида?
- 3.Оилада рашк ҳис-туйғуларнинг пайдо бўлиш сабаблари ҳақида?
- 4.Ёш оила ва ўзаро қовушиш ҳақида сизнинг фикрингиз қандай?

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

- 1.Рухланиш – психик ҳолатлардан бўлиб, бунга кишининг стеник (кучли эмоциялари билан ижодий тафаккури киритилади.
- 2.Кайфият - биронта эмоциянинг барқарор кечиниши.
- 3.Рашк - қизғаниш демакдир.
- 4.Хиссиёт – кишининг ўз юксак эҳтиёжларини қондириш ёки қондирмаслик натижасида унинг тегарак-атрофдаги оламга муносабатларни онгда акс эттириш жараёни.

ВИИ-МАВЗУ:ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР ОДОБИ ВА ПСИХОЛОГИЯСИ – 2 соат.

РЕЖА:

- 7.1.Оилавий муносабалар одоби ва психологияси.
- 7.2.Янги турмуш қурган келин-куёвларнинг ўзаро муносабатлари.
- 7.3.Оила ва муҳаббат психологияси.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР.

- 1.Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси.
- 2.Оила педагогикаси. А.Мунавваров.
- 3.Талабалар учун психологиядан топшириқлар.
Л.П.Хохлова.Т.,1992.г.
- 4.Психология в семье. И.П.Плотникс.,М. «Педагогика». 1991.г.
- 5.Оила танчи –Илмий мақолалар тўплами.,-Т.,1998.й.ТДПУ.

7.1.ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР ОДОБИ ВА ПСИХОЛОГИЯСИ.

Оиладаги муносабатлар таъсирида илк болаликдан умумий ишга содиқлик, ватанпарварлик, қатийълик, кадр-қиммат ҳисси каби юксак инсоний ҳислар шаллана бошлайди. Аста-секин туғишганларга ғамхўрлик, опа-укалик, опа-сингиллик меҳри, ота-оналарга муҳаббат ва шафқат каби туйғулар намоён бўла боради. Турмушдаги самимий ва оқилона муносабатлар, илиқ иқлим таъсири натижасида оила аъзолари камтарлик, кўнгилчанлик, илтифот, сабр, уятчанлик, тўғрилиқ, яхшилик, юмшоқлик, дилкашлиқ, меҳрибонлик, талабчанлик, меҳнатсеварлик, виждонлилик, меҳнатга маъсулият, озодалиқ, иззат-нафс, тежаб-тергашлик каби шахс ҳислатлари таркиб топади. Агарда оилалардаги турмуш муносабатлари кўполлик, андишасизлик негизига кўрилган бўлса, у ҳолда оила аъзолари руҳий дунёсида кеккайиш, псимиқлик, кўпчилик томонидан қабул қилинган хатти-ҳаракатлар қоидаларини сезмаслик, уларни месимаслик, ялқовлик, маъсулиятсизлик, ифлослик, бағритошлиқ, шухратпарастлик, димоғдорлик, иллалари униб чиқади. Шахслараро муносабатларнинг бин неча кўринишлари мавжуд эканлиги ижтимоий психология ҳамда педагогик –психологик тарбиявий соҳаларда қайд қилиб ўтилган.

Оила бошлиғи ҳисобланган ота-оналарнинг асоси диққат-эътибори ахлоқ нормалари ва қоидалари талабидан келиб чиққан ҳолда ўз фарзандларида ижобий характер ҳислатларини замон руҳига мос (равишда) шахс фазилатларини шакллантиришга қаратилади. Жамиятмизда кам учрасада аномал муносабатга эга бўлган оилалар мавжуддир. Бундай тоифага ажралиш даражасига етиб борган, бола устида турган, ичувчи-алкоголь ёки гиёҳванд оилалар киради. Оиладаги аномал ҳолат осойишта яшаш, тинч ижод қилиш, муайян ўқиш учун зарур имкониятлар яратиб беришга қодир эмас.

Оиладаги турмуш муносабати ичида «либерал» тоифа ҳам кўзга ташланиб туради. Оила даврасида мурасасиз, кўнгилчан бўлишлик ташқи кўринишдан илиқ психологик иқлимни, гуруҳий мосликни ўзида (ташқи кўринишдан) акс эттиргандек бўлиб туюлади. Оилавий муносабатларни тўғри йўлга қўйиш хикмати- бу оила аъзоларининг бўш вақтини ташкил қилиш, ҳар бир шахснинг хусусиятидан келиб чиққан, биргаликда оила даврасида маданий хордиқ чиқариш, хўжаликка эга эканлигини назарда тутиш, шунинг билан бирга ўта эрк бериб юбормасликни диққат марказидан чиқармаслик зарур. Байрам кунларини нишонлаш ҳам оқилона, одилона ҳал қилиниши оилада ҳамиша ҳамжихатлик, ахиллик ҳукм суравермайди, гоҳа зиддиятлар, жанжаллар ахлоқий, моддий, маънавий, ақлий, ҳис-туйғу негизида вужудга келиши мумкин. Хозирги кунда жанжаллар кўпроқ моддий ва маънавий руҳий омиллар замиридан чиқиб келмоқда.

7.2. ЯНГИ ТУРМУШ ҚУРГАН КЕЛИН-КУЁВЛАР ЎЗАРО МУНОСАБАТИ.

Йигит ва қиз танишиб, ёки таништириб қўйишади. Нихоят тўй бўлади. Тўйдан кейин йигит ва қизнинг орасидаги муҳаббат янада мустаҳкамланиши, ўйғунлашиб кетиши керак. Шундагина янги турмуш қурган келин-куёвларнинг ўзаро муносабатлари самимият, тенглик ва адолат асосига қурилади. «Севги оловга ўхшаган нарса, қараб турмасанг ўчиб қолади», деган эди Анатолий Франц француз ёзувчиси.

Тўйдан кейин меҳр-муҳаббат сўниб қолгандай бўлиб, бу балки фақатгина туюлар. Аслида ёш келин-куёвларнинг рўзғор тебраталмаслигидан, ҳаётнинг баъзи иқир-чиқирларидан келиб чиқади. Лекин баъзан эса бу аёлларга-келинларга боғлиқ бўлади. Сочини тарамай, уст-бошини дазмолламай юрган аёл ўзига қарамаганидан кейин эркак киши иккиланишни баъзан эса нафратни уйғотиб юборади. Уйда соқоли олинмаган, кир майкада, эски оёқ киймда юрган эркак хотинига ноҳуш кўринади.

Оилавий муносабатларда катта ўрин тутадиган омиллардан бири эр-хотиннинг ўзаро ишончидир. Муҳаббат бор жойда ишонч ҳам бўлади.

Оила сирини кўчага чиқариш одобдан саналмайди. Оиладаги ҳар бир муммони эр-хотиннинг ўзлари ҳал қилгани маъқул бўлади.

Оилада нафақат аёл эркакни ҳурматини жойига қўйиш керак бўлади, яъни уни камистмаслиги, иззатнафаслиги тегмаслиги балки, уни тушуниш, севиб ардоқлаш керакдир. Аёл билан эркак бошга тушган барча қийинчиликларни биргаликда тинч-тотув ва тинч йўли билан бартараф қилишлари керак.

Келин ва куёвлар муносабатида бефарқлигини пайдо бўлишини ёмон оқибатларга олиб келади. қизлар турмушга чиқишидан олдин, ташқи қиёфаларга қараб юришларни эсдан чиқармасликлари керакдир. «Оила бахти-турмушнинг ширинлигидир».

Эркаклар «аёл киши қулоғи билан севади»-деган сўзларни унутмасликлари керак. Яхши гапга илон инидан чиқади, ёмон гапга пичоқ кинидан чиқади дейишади. ўзга аёллар билан сўзлашганда кўпчилик

эркакларнинг тилидан бол томади, ўз хотинига қолганда эса мактовни, баъзи холларда хатто бир оғиз илиқ сўзни раво кўрмайдлар. Хотинлар бундай эрларни «кўча хандон, уй зиндон» дея ўринли нолийдилар.

7.3.ОИЛА ВА МУҲАББАТ ПСИХОЛОГИЯСИ.

Муҳаббат масаласига бағишланган бадий асарлар илмий асарларга нисбатан бир неча баровар кўпайди. Кайси бир олим, ёзувчи, мутафаккирларнинг асарларини қарамайлик, ўз ижодий фаолиятида уларнинг бирортаси ҳам хислар ичида энг кучли, сирли ранг-баранг бўлган, қанчалаб одамларни ўз вақтида хиссий кайф оламига чорлаган, янги енгиб бўлмас тўсиқ ва чуққиларни забт этишга ундаган, кучли стимул вазифасини ўтаган, чинакам бахт кунларини тақдим этган, ўлим тўшагидан юлиб олиб, хаёт бахш этган, оддий «оқ-қорадан» иборат кунларимизни камалак рангларига бўяган атроф муҳитга ва ўзимизни идорқ қилишимизда кўзимизни очган, шахсимизда ўзимизга маълум бўлмаган нарсаларни кучли нур каби ёритиб, ўзимизга маълум қилган, тарихдан қадимги ва барча учун ёш ва актуал бўлган муҳаббат хисларини четлаб ўта олмаганлар.

Шу сабабли одамлар улар фикрича хайвоний хиссдан жинсий интилишдан озод бўлиши керак деб хисобланади.

Муҳаббат хисларига бир ёқлама ёндошилади. Шу сабабли у билан бирга таъриф берганда қадимги асарларда, жумладан қадимги хинд трактида муҳаббат бин мунча тўлиқ таъриф берилади:

Ақл майли ҳурматини тўғдирса, қалб майли дўстликни, тана майли хохиши туғдиради.

Ақл-у, қалб ва тана бир бўлиб севги муҳаббат туғдиради. (Осиёликлар берган таъриф).

Европалик ўртоқларга мурожаат қиладиган бўлсак, бир мунча қисқа ва шу билан бирга информатик таърифни Вольтер сўзлари билан қуйдагича формада кўриш мумкин.

«Севги-муҳаббат бу ҳам қалб, ҳам ақл ва танага бир вақтнинг ўзида хужум қиладиган энг кучли, завқли хис-туйғулардан биридир». Бу таърифларни ўзаро таққослашда ва психологик анализ қилишда севгининг муҳаббатда зарурий психологик компонент билан бирга физиологик компонент мавжудлигини кўришимиз мумкин.

1. Ёшлик севгиси-энг аввало севги ҳақидаги орзу. «Юрак типирчилаб урганда», бу туйғуни синаб кўриш хохишдир. Бу эмоционал алоқага, тушунишга бўлган эҳтиёж, қалб яқинлигидир, эротик мотивлар унда деярли ифодаланмаган ёки англолмагандир.

2. Севги бўлган интилиш кўпинча «бўйсиниш», «ўзини йўқотиб қўйиш», кўркув билан бирга кечади, чунки бу ёшда эркакнинг аёлга анаънавий маносабатидаги «куч ишлатиш» андозасини ҳам ўзлаштириб олмаган бўлади. Бу ўринда йигитлар ўзлигини қарор топтиришга, ўзининг ички кечинмаларини тийишга интилади. қиз болалар эса «ўз кадр-қиммати ва ифбатларини сақлаган холда» ўз қизиқишлари ва майиларини яширади.

МАВЗУНИ МУСТАХКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1.Янги турмуш курган келин-куёвларнинг ўзаро муносабатлари хақида тушунча?

2.Оила бахти деганда нимани тушунаси?

3.Ота-онанинг келин-куёвга бўладиган муносабатла хақида?

4.Оилавий бахтга эришмоқ учун нима қилмоқ керак?

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР.

1.Севги- бу инсоннинг маънавий ва жисмоний интилиш, эҳтиёжлари ўзаро узвий бириктириб кетган юксак ахлоқий эстетик туйғудир

2.«Севги –бир –бировига қараш эмас, балки биргалашиб бир томонга қараш демакдир»

3.Мухаббат –бу ажойиб хиссиёт ва унинг эволюцион асосида, унинг ибтидосида –кўпайиш инстинкти ётади.

4.Инстинкт-хулқ-атвор ёки хатти-харакатларнинг олдиндан генетик шартланган усуллари.

5.Генетик-психик ҳолатларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг куйдан юқорига қараб ривожланиш жараёни демакдир.

ВИИИ-МАВЗУ: ОИЛАДАГИ МУЛОҚОТ МУАММОЛАРИ – 2 соат,

РЕЖА:

8.1.Эр-хотин орасидаги келишмовчиликлар

8.2.Ажралиш сабаблари ва унинг ёмон оқибатлари

8.3.Эр-хотиннинг ажралишини болалар психикасига бўлган таъсири.

Фойдаланган адабиётлар.

8.1. ЭР-ХОТИН ОРАСИДАГИ КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАР.

Оилада эр-хотин орасида содир бўладиган келишмовчиликларнинг сабаблари бир қанчадир. Шулардан баъзиларига тўхталмоқчимиз.

1.Хаётда ишнинг –касб фаолиятининг ва оиланинг кадр-қимматини ўлчашда юзага келади. Ишга муккасидан кетган баъзи эркаклари хотинларига эътиборсиз бўлиб қоладилар. Уй-рўзғор ишлари ва бола тарбияси билан умуман қизиқмайдилар, уйга ётоқхонага ёки меҳмонхонага келгандай келадилар ва ётиб ухлаб туриб яна ишларига кетаверадилар.

Хотин кишиларнинг кўпчилиги учун эса уй, оилавий ҳаёт табиатни бутун бир оламидир. Хатто ишда ўтириб оиласи хақида ўйлайди, уй-рўзғор ташвишлари-ю-қувончлари унинг ҳаёлидан нари кетмайди. Иш орасида ёки тушликдан фойдаланиб уй-рўзғор учун зарур нарсаларни харид қиладилар. Ишдан кейин боғчага югуради, уйга қайтаётиб эса қандай овқат тайёрлаш хақида ўйлаб кетади. Ишга берилган эркаклар хатто уйга келиб ҳам эртанги қиладиган ишларнинг режасини тузиш билан банд бўлади. Аёллар ишхонада «меҳмон» сифатида ўтирсалар, эркакларнинг кўпчилик қисми уйга шошилса, эркак киши оиладан ишга қочади, айнан ишлар оқибатида оилавий келишмовчиликлар келиб чиқади.

Бу кабиддаги зиддиятларнинг олдини олиш учун эркаклар энг аввало оилага бнэътибор бўлмасликлари керак керак. ўринлик сабабларига кўра

етарли эътибор бераолмаганликларида эса вақтини топиб аёли кўнглини кўтаришлари, унинг бебаҳо маҳоратига тасаннолар айтиши, дам олиш кунларида болалар тарбиясига, уй-рўзгор ишларига қарашиб туришлари керакдир.

Баъзан оналар қизларга «эринг билан жанжаллашганингда кўз ёши қил», деб маслахат беришади. Бунда чуқур хикмат бор. Негаки хотин кўзларида ёш кўрган эр буни мағлублик белгиси деб билади. Жахлдан тушади, раҳм-шафқат туйғулари пайдо бўлади. Муросага келади. Хотиннинг кўнглини топишга уринади. Кўриб турибсизки олдин келин, кейин оила ютади. Буни аёллар билиб қўйгани яхши.

Аввало оилада ёшлар ўрни «оила тахти учун кураш» эрга ҳам, хотинга ҳам фойда келтирмаслигини, аксинча ҳар бир жанжал гуллаб турган оила дарахтига урилган болта зари эканини яхши билиб олишлари керак. Доно халқимиз айганлардиек, «Бир кун жанжал бўлган уйда, қирқ кун баракаси кўтарилади» деб айтилган иборани унутмаслигимиз керак бўлади.

8.2. АЖРАЛИШ САБАБЛАРИ ВА УНИНГ ЁМОН ОҚИБАТЛАРИ

Оилада эр-хотин муносабатларининг хиссий ривожланиши, оиладаги эр-хотин муносабатларининг самимийлиги, бир-бирига яқинлик, қадрлаш, ҳурмат қилиш оилавий турмушнинг дастлабки босқичларида, аксарият ҳолларда, нисбатан яхши бўлади. Бу эса кўп жихатдан севги-мухаббат туфайли пайдо бўлади. Мухаббатга бўлган эҳтиёжнинг ифодаланиши ҳар бир инсон ҳаётида гўдаклигдан пайдо бўлади. Бу дастлаб онага, отага, оила аъзоларига бўлган муносабатида ўз ифодасини топади. Каттароқ бўлгач, бутун бир қалб, вужуд туйғулар, фикр, руҳий ҳолат кимнидир излайди, нимагадир интизор. Одамда бутун қалби, борлигини кимгадир бағишлагиси, кимнидир ардоқлагиси, бир умрга у билан ҳаётини боғлаш истаги пайдо бўлади. Бундай одам тинчини йўқотади, атрофга боқиб дил қувончини излайди.

Сўнгги йилларда мустақил республикамызда оила, никоҳ муносабатларида катта ўзгаришлар кузатилмоқда, бу борадаги ишларда ютуқлар билан бир қаторда айрим муаммолар ҳам кўзга ташланади. Баъзан оила, никоҳ масалаларига беписанд қаровчилар ҳам урчаб туради, мустаҳкам оилалар кўпайиши билан бирга баъзи бузилаётган оилалар ҳам йўқ эмас. Оқибатда «тирик етимлар» ота-она меҳридан узоқ бўлган қаровсиз болалар сони кўпаймоқда.

Баъзи ота-оналар томонидан болалар тарбиясига эътибор пасайиб кетганлиги, ўсмирлар қонунбузарлик йўллариغا кириб қолишлари, оилада ўзаро келишмовчиликлар, уруш жанжаллар туфайли фожиали воқеалар содир бўлмоқда. Оилада ака-укалар муносабати, қайнона-келин ва эр-хотин муносабатининг бузилиши ёмон оқибатларга олиб келмоқда.

8.3. ЭР ХОТИННИНГ АЖРАЛИШИ БОЛАЛАР ПСИХИКАСИГА БЎЛГАН ТАЪСИРИ.

Оила бахти, фарзандлар истиқболи учун ота-оналар ўғил-қизларни оилавий ҳаётнинг муаммоларига маъсулият билан ёндашадиган, умр йўлдошини ҳурмат қиладиган, унга ҳамма вақт таянч, содиқ дўст бўладиган,

келинлик, куёвлик вазифаларини ўрнига қўядиган, фарзандлик бурчини ўтай оладиган қилиб тарбиялашлари зарур.

Оилада эр-хотинлар орасида бўлаётган ажралишларнинг натижасида болаларнинг рухан эзилиш, ички хавотирланиш, нафратланиш, безовталаниш, қийналиш каби барча ҳоллар таъсирида шаклланишлар юзага келмоқда. Оиладаги уруш-жанжалларни кўравериб ич-ичларидан жароҳатланган ҳолда ривожланади. Ота-оналарнинг ўзларини муаммолари билан банд бўлишлари натижасида фарзандлари ҳулки оғишганлар даврасига кириб қолганларини сезмай қолиш ҳоллари, ота-оналарининг келиша олмаганликлари натижасида болани меҳрибонлик уйларига, болаларнинг ота-оналари тирик бўлишига қарамасдан меҳрибонлик уйларида кўнгиллари ўксиган ҳолда шаклланишлар юзага келмоқда.

Юқоридаги кўнгилсизликларнинг рўй беришига сабаб оилада ишонч, меҳр, мухаббат, вафонинг етишмаслигида, эр-хотиннинг бир-бирига ишонмасликлари эса мулоқот маданиятининг пастлигини, ўзаро самимият йўқлигидир. Оиладаги ажралишлар ҳам болаларни мулоқатдан ўзини четга олишларига олиб келаяпти.

Аниқлаб чиқишларига қараганда ажралишаётган ота-оналарнинг кўпчиликлари ёшлардан ташкил топган эканлигини маълум бўлди.

Чунки у ёш эр-хотинлар эса оилани тебратишда бўладиган муаммоларни бартараф қилиш билим савиясига эга эканликлари маълум бўлган

Оилада эр - хотинларнинг ўзаро келишмовчиликларнинг натижасида асосий сабаби ишончсизликдир.

Оилада бола тарбиясининг ўзига хос қоидаларига мавжуд бўлиб, ота-онлар улардан ўринли фойдаланишлари лозим.

Хусусан, улар қуйдагича:

- 1.Оилада хиссий мослик, руҳий хотиржамлик ва илиқ иқлим яратиш
- 2.ота-она обрўсини сақлаш
- 3.тарбияда ота-она, катталар ўртасида талабчанлик
- 4.бола шахсини меҳнатда тарбиялаш
- 5.оила, боғча, мактаб ва жамоатчилик ҳаморлиги
- 6.болани севиш ва иззат қилиш
- 7.оилада қаъий режими ва кун тартиби ўрнатиш
- 8.тарбияда болаларнинг ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш
- 9.бола тараққиётини аниқлаб бориш
- 10.болада мустақиллик, ташаббускорлик сифатларини ҳосил этиш ва

б.

Оиланинг маънавий дунёсини такомиллаштириш учун зарур руҳий хотиржамлик, ибратли руҳий муносабат, ўзаро тотувлик яратилган ўбўлиши зарур. Ота-оналар ўртасидаги ўзаро муносабатда ҳамжихатлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, ширинсуханлик, бир-бирига ғамхўрлик мавжуд бўлса, бундай муомала-муносабат бола тарбиясига ижобий таъсир қилади. Улар фарзандларига чинакам бахт, қувонч ҳадя этадилар.

Оилада ота-оналарнинг ичкиликка ружу қилиш, бунинг оқибати ва бошқа сабабларга кўра тез-тез содир бўлиб турадиган оилавий жанжал-мажоралар туфайли болаларнинг ороми бузилади, уйқуси қочади, чўйчийдиган бўлиб қолади, асаб системаси касаллигига чалинади, фарзанлари кўз унгида ота-онанинг обрўси тўкилади

Оила-бу ўзига хўжалик бўлиб, унинг турмуш кечиришларини муаммолари мавжуд. Ота-оналар оила аъзоларининг амалий фаолиятларини уюштиради, уларнинг овқатланиш, таълим олиш, шлаш, дам олиш, кийм-бош билан таъминлаш каби кундалик режимин ташкил қилади.

МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР

1.Эр-хотин орасидаги келишмовчиликларнинг келиб чиқиш сабаблари нимада деб хисоблайсиз?

2.Оилада бўладиган уруш-жанжалларнинг болалар психикасининг тараққиётига бўлган таъсири ҳақида?

3. Ногирон болаларни дунёга келиш сабаблари нимада деб ўйлайсиз?

ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР.

1.Эхтирос –бу бошқа кишиларда иродавий йўналишлар билан характерланадиган эмоцияларнинг намоён бўлишидир.

2.Стресс-(танглик холати)-кучли кўзғовчилар таъсирида юзага келадиган жиддийлик холатидир.

3.Ирония-кишига нисбатан мутлақо ижобий, хатто маъқуловчи характерга эга бўлган истихзо аралаш нозик муносабатдир

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПЕДАГОГИКА ВА
ПСИХОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ**

ОЛИЙ МАКТАБ ПСИХОЛОГИЯСИ

Курси бўйича маърузалар матни.

Билими соҳаси – психология

МАГИСТРЛИК йўналиши.

ТУЗУВЧИ: -

психология фанлари номзоди, доцент
З.Т.Нишанова.

ТОШКЕНТ - 2000

МАЪРУЗАЛАР МАВЗУЛАРИ – 20 соат.

№	Мавзулар	Соат
1	Олий мактаб психологияси предмети	2с
2	Оддий мактабдаги таълим ва тарбиянинг психологик тавсифи	2с
3	Талабалар асосий фаолият турларининг психологик хусусиятлари	2с
4	Талабалар шахси ва фаолияти бирлиги	2с
5	Талабалар жамоаси фаолиятининг психологияси	2с
6	Ўқитувчи фаолияти махсулдорлигининг психологик хусусиятлари	2
7	Педагогик маҳоратнинг психологик асослари	2с
8	Олий ўқув юрти битирувчисига зарур сифатларни шакллантиришнинг психологик асослари	2с
9	Касбий хусусиятларни шакллантиришда билиш жараёнларининг роли	2с
10	Бўлғуси мутахассисларнинг ташкилотчилик ва бошқарув қобилиятларини шакллантириш	2с
		20 соат

МАВЗУ- И

ОЛИЙ МАКТАБ ПСИХОЛОГИЯСИ ПРЕДМЕТИ

РЕЖА:

- 1.Олий мактаб психологияси фанининг методлари, вазифалари, предмети.
- 2.Олий маълумотли мутахассисга қўйиладиган талабалар.
- 3.Талаба шахсининг ривожланиш хусусиятлари.

АДАБИЁТЛАР:

- 1.Лисовский В.Т.,Дмириев А.В. Личность студента. Л.,1974.
- 2.Матлин Е.К.,Некоторые психологические вопросы воспитания студентов. Минск.1978.320.с.
- 3.М.И.Дьяченко, Л.А.Кандубович. Психология высшей школы. Изд-во БГУ.Минск. 1976.320.с.
- 4.Сивкин И.Ф.Некоторые закономерности познавательной деятельности студентов.- В.кн.:Проблема совершенствования процесса обучения в высшей школе. Чебоксары.1975.
- 5.Скибина Т.Г.Психологические вопросы учебного процесса в высшей школе.В.кн.:Педагогика высшей школы. Цикл лекций.Воронеж,1969.
- 6.Шепин В.Д. Факторы, влияющие на работоспособность студентов.В.кн.:Совершенствование организации и ведение учебного процесса. Челябинск,1974.
- 7.ЦурановаС.П. Овладение навыком быстрого чтения – как одно из средств ускорения адаптации первокурсников к обучению в вузе.-В кн.:Комплексная проблема профориентации, адаптации и повышения квалификации кадров.Минск,1976.
- 8.Элькин Д.Г.Психология в университете.- Вестник высшей школы,1969 №6.
- 9.Э./озиев. Олий мактаб психологияси .Т.,»ўқитувчи».1997
- 10./озиев Э./, Азимов Н.Ш.Олий мактаб психологияси.Т.,ТошДУ,1994.

МАВЗУ МАТНИ

Психология индивидуал ва гуруҳий психик ҳодисаларни, уларнинг моҳиятини, уларнинг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларини, инсон ҳулқ-атворида уларнинг ўрнини ва ролини ўрганади. Олий мактаб психологияси олий ўқув юрти раҳбарларининг, ўқитувчилари, талабалари фаолиятининг психологик хусусиятларини ва психикасини ўрганади.

Инсон психикаси психологик жараёнларни, ҳолатларни ва хусусиятларни ўз ичига олади. Психик жараёнлар-билиш, ҳиссий ва иродавий жараёнларга бўлинади.

Билиш жараёнларига- сезги, идрок, тасаввур, хотира, хаёл, тафаккур ва нутқ киради. Улар билимларни эгаллаш, муаммоларни ҳал қилиш имконини беради.

Ҳиссий жараёнлар-инсоннинг ички дунёсини акс эттиради, теварак атрофда рўй бераётган ҳодисаларнинг эҳтиёжлари ва мақсадларга мос эмаслигини билиш имконини беради. Иродавий жараёнлар ўз-ўзини бошқаришда, ўз хулқ-атворини онгли бошқаришда кўринади.

Психик ҳолатлар психиканинг вақтинчалик ҳолати бўлиб (ўзига ишониш, тайёрлик, қониқиш, иккиланиш,...) амалий ҳаракатдаги муваффақият шуларга боғлиқ бўлади.

Психик хусусиятларга-йўналтирилганлик, характер, темперамент ва қобилиятлар. Йўналтирилганлик шахс хусусияти бўлиб –мақсадга интилишдир. Йўналтирилганлик асоси –эҳтиёжлар, қизиқишлар, лаёқатлар, идеаллар, дунёқарашдир. Психик хусусиятларга қараб, инсоннинг индивидуал хусусиятлари ҳақида билиш мумкин. Индивидуал психика билан биргаликда инсонларнинг жамоа ва гуруҳларида вужудга келадиган ижтимоий психологик ҳодисалар ҳам мавжуд. Уларга анаъналар, баҳолар, қизиқишлар, урф-одатлар киради. Ижтимоий психологик ҳодисалар олий ўқув юрти ҳаётида, талабалар таълим ва тарбияси масалаларини ҳал қилишда муҳим роль ўйнайди.

Олий мактаб психологияси предмети-олий ўқув юрти шароитида вужудга келадиган индивидуал ва ижтимоий психологик ҳодисалар ҳисобланади. Олий мактаблар психологияси психик жараёнлар, ҳолатлар, хусусиятлар, тажрибанинг ўрни ва ролини, олий ўқув юрти раҳбарлари, ўқитувчилари ва талабалари фаолиятида уларнинг кўриниши ва ривожланишини ўрганади.

Олий мактаб психологияси психологиянинг нисбатан янги тармоқларидан биридир. У педагогик, ижтимоий ва ёш психологияси, меҳнат психологияси ва бошқа фанларнинг ютуқларини бирлаштиради. Ўзининг асосий мазмунига кўра у олий ўқув юртининг педагогик психологияси ҳисобланади. Олий мактаб психологиясининг асосий вазифалари - қуйдагилар:

1.Замонавий олий маълумотли мутахассис тимсолини ишлаб чиқишда иштирок этиш.

2.Олий ўқув юрти раҳбарларининг, кафедраларнинг, ўқитувчиларнинг, талабаларнинг фаоллигини психологик таҳлил қилиш, шу асосда ўқув жараёни, таълим тарбия махсулдорлигини оширишнинг психологик омилларини аниқлаш.

3.Талабалар жамоаси психологиясини, унинг ўқишга, талабаларнинг жамоат, илмий, ишлаб чиқариш фаолиятига таъсирини ўрганиш.

4.Бўлажак олий маълумотли мутахассис касбий муҳим ҳислатларини ва шахсини ривожлантиришнинг қонуниятларини аниқлаш.

5.Талабаларнинг олий ўқув юртини тугатгандан сўнг амалий фаолиятга психологик тайёргилиги муаммоларини ишлаб чиқиш.

6.Ўқитувчи меҳнати ва шахси психологиясини, унинг педагогик маҳорати ва ижодининг психологик асосларини ўрганиш.

7.Олий ўқув юртларига танлаш ва йўллаш муаммоларини текшириш.

8.Талабаларнинг олий ўқув юртидаги таълимга мослашиш жараёни, битирувчиларнинг меҳнат фаолияти, шароитларига мослашиш жараёнларини таҳлил қилиш.

Олий мактаб психологиясининг муҳим вазифаларидан бири талаба фаолиятини психологик таҳлил қилишдан иборат.

Олий мактаб психологикасидаги тадқиқотлардан олинган маълумотлар турли фанларни ўқитиш методикаларини яхшилашга, талабалар таълим-тарбияси маҳсулдорлигини ва ўзлаштиришини оширишга ёрдам беради.

Олий мактабдаги психологик тадқиқотлар методикаси ва методологияси. Олий мактаб психологияси олдида турган вазифаларни ҳал қилиш муваффақияти ўтказиладиган психологик тадқиқотлар методикаси ва методологиясига боғлиқ бўлади.

Методология-борлиқни ўзгартириш ва билиш методлари ҳақидаги билиш ва тажриба жараёнларига дунёқараш тамойилларини қўллаш ҳақидаги таълимотдир. Олий мактабдаги психологик тадқиқотлар методологиясини диалектик материализм қонунлари ва психология фанининг психиканинг моҳияти, онг ва фаолият бирлиги ҳақидаги, олий мактабдаги таълим ва тарбия шароитида психик ҳодисаларни ўрганиш жараёнига умумий талаблар ташкил қилади.

Олий мактаб психологияси методлари –раҳбар ўқитувчилар, талабалар, фаолиятининг психик хусусиятларини ўрганиш усулидир. Олий мактаб психологиясининг муҳим методлари кузатиш ва экспериментдир. Кузатиш методининг объекти ўқитувчилар ва талабалар ҳатти-ҳаракатларини кузатиш ҳисобланади. Эксперимент методи кузатиш методига қараганда фаолроқ:

а) лаборатория эксперименти,

б) табиий эксперименти.

Суҳбат –кузатиш ва экспериментни тўлдиради. Суҳбатнинг муваффақияти тадқиқотчига ишонч, қулай психологик иқлим яратиш ҳисобланади.

Ўқитувчи ва талабалар фаолиятини таҳлил қилиш методи талабалар ҳақида муҳим маълумотлар беради. Тест методи-талабалар қобилиятини, интилиш даражасини ва бошқаларни аниқлаш имконини беради. Сўров ва анкета методи талабаларнинг турли ҳодисаларга муносабатини, фикрини ўрганиш имконини беради.

Олий мактаб психологиясида тажрибали ўқитувчилар фикрларидан ҳам фойдаланади. Психологик тадқиқотларда электроэнцефалография методи (мия биотонларини ёзиб олиш) талабалар ҳолати ва психологик жараёнларининг объектив назорат қилиш учун қўлланилади).

Шундай қилиб, олий мактаб психологиясида турли методлардан фойдаланилади.

2.Олий маълумотли мутахассисга қўйладиган талаблар.

Юқори малакали мутахассиснинг малакаси тўғрисида савол туғилади. Малака тушунчаси мутхассис тайёрлашнинг сифатини характерлайди. Малака –бу мутахассиснинг ўз мажбуриятларининг бажаришда қобилияти ва шахсий имкониятларининг мажмуидир. Бу мажмуа асосан нисбий муҳим билимлада, кўникмаларда, малакаларда, психик жараёнларда ва шахс хислатларида намоён бўлади.

Айтганларидек малкали мутахассисни тайёрлашда олий мактаб психологиясидан физиология ва биология, шахс психологияси, ёш психологияси сиёсий иқтисод, этика ва ижтимоий психология, эргономика (иш жойини қулай жихозлаш ҳақидаги фан) каби фанларни ҳам ўрганиш зарур. Ҳар қандай мутахассислик учун зарур умумий хислатлар мавжуд. Улар:-мафкура, интизомлилик, ботирлик, ўз-ўзини бошқариш, ўз кучига ишониш, қатъийлик, ташаббускорлик, турли қобилиятлар, ижодий тафаккур, фикрнинг эгилувчанлиги, танқидийлиги, мустақиллиги каби хислатларга эга бўлиши керак.

Мавзу-1.

Мавзунини мутсаҳкамлаш учун саволлар.

1.Олий мактаб психологияси фанининг предметининг бошқа психологияси тармоқларидан фарқи нимада?

2.Олий маълумотли мутахассисга қандай талаблар қўйилади?

3.Олий мактаб психологиясининг методлари нималардан иборат?

Таянч тушунчалар.

1- Методология – борлиқни ўзгартириш ва билиш методлари ҳақидаги, билиш ва тажриба жараёнларига дунёқараш тамойиларини қўллаш ҳақидаги фандир.

Методлар – раҳбар ўқитувчилар, талабалар фаолиятининг психик хусусиятларини ўрганиш усулидир.

Эргономика-иш жойини қулай жихозлаш ҳақидаги фан.

Малака- бу мутахассиснинг ўз мажбуриятларини бажаришда қобилиятли ва шахсий имкониятларининг мажмуидир.

МАВЗУ-2.

ОЛИЙ МАКТАБДАГИ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАВСИФИ-

2 соат

РЕЖА:

- 1.Талабаларни тарбиялашнинг психологик хусусиятлари.
- 2.Талабаларга таълим беришнинг психологик хусусиятлари.
- 3.Олий мактабга йўллаш
- 4.Олий ўқув юртига танлаш.

АДАБИЁТЛАР:

«Талаба» атамаси лотин тилидан келиб чиққан бўлиб, билимларни эгалловчи, ўз устида тинмай ишловчи деган маънони билдиради. Талаба бу ишлаб чиқариш фаолиятига тайёрланаётган ёшлардир. Талабаларни тарбиялаш – бу қобилият, онглилик, бурч хисси, интизомлик, одамлар билан ишлаш, ўз-ўзини танқид қилиш каби шахс хислатлари ва хусусиятларини шакллантириш мақсадида уларнинг психикасига ва фаолиятига таъсир қилишдир.

У ёки бу хислатнинг тузилиши ва табиатни билган ҳолда турли предметларнинг тарбиявий имкониятларидан фойдаланиш мумкин: «Олий мактабда танланган касбга қизиқиш ва танланган касбни ёқтиришни тарбиялаш-талабаларда танланган касбнинг ижтимоий аҳамиятини тўғри тасаввур қилиш, ҳар бир талаба ўз касбига яроқлиги ҳақида қатъий ишонч олий ўқув юрти режасида кўзда тутилган барча фанларни эгаллаш зарурлигини тушуниш, иш фойдасига ўз-ўзини тарбиялай олишга йўллаш ўз билимларини доимо тўлдириб бориш каби йўллар билан амалга оширилади.

Катталардан фарқли равишда ҳаёт мактабидан ўтмаган бўладилар. Уларда меҳнат тажрибаси, катталарни ҳурматлаш, уларнинг энг яхши анъаналари ва маънавий қадриятларни қадрлаш тажрибаси етишмайди. И.С.Коннинг фикрича, «ёшлик –бу раҳбарликка муҳтождир». Талабаларни тарбиялашнинг сўнгги натижасига хусусий, ҳар кунги доимо ўзгарувчи тарбиявий вазифаларни ҳал қилиш йўли билан эришилади.

Инсон шахснинг шаклланиши бутун ҳаёти давомида рўй беради, лекин айнан олий ўқув юртида мутахассис хислатларининг асоси қўйилади. Шахс хислатларини шакллантиришда, тарбия тамойиллари ва методлари қўлланилади. Тарбия тамойиллари қуйдагилар:

Жамоада тарбиялаш, индивидуал ёндашув, мақсадга интилувчанлик, ижобий хислатларга суяниш ва бошқалардир. Тарбия методлари: ишонтириш машқ қилдириш, тақдирлаш, намуна бўлиш ва бошқалар киради.

2.ТАЛАБАЛАРНИНГ ТАЪЛИМ БЕРИШНИНГ ҲУСУСИЯТЛАРИ.

Талабаларга таълим бериш бу уларни билимлар, кўникмалар ва малакалар билан қуроллантириш мақсадида улар фаолияти ва психикасига таъсир қилишдир. Таълим жараёнида унинг моҳияти асосида талабалар

психикасининг турли томонлари шаклланади. Таълим бўлғуси мутахассис шахснинг шаклланишда, илмий дунёқарашнинг такомиллашувида, ақлий ва бошқа хислатларнинг ривожланишида бевосита аҳамиятга эга.

Олий ўқув юртидаги таълим демократик жамият қурилиш назариясининг яхши билишни ўз ичига олади. Истиқлолдан кейин таълим жараёнида қўлланилиб келаётган сабоқ бериш ва тарбиялашнинг йўл - йўриқлари, восита ва услублари тизимига ўзбек халқининг ўзига хос хусусиятларидан туриб - олий мактабда ўқитиш самарадорлигини ошириш, шарқона тарбия назариясини талабалар онгига сингдириш мумкин эмаслиги дарров кўзга ташланади.

Жаҳон маданияти ва маорифнинг илғор ғояларидан оқилона ва унумли фойдаланиш билан бирга бир неча ўн асрлик тарихга эга бўлган, хатто унутилиш даражасига бориб қолган миллий туйғу, миллий ҳар актер, миллий қиёфа, миллий дид ва ҳақозоларсиз иймон, эътиқод, ватанпарварлик, софлик, виждонлилик, ростгўйлик, масъулият ва бурч ҳисларини таркиб топтириб бўлмайди. Миллий психологик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия ишларини йўлга қўйиш, бунда тарбияга асосий эътиборни қаратиш, унинг бирламчи эканлигини тан олдириш муҳимдир.

Замонавий олий таълимнинг муҳим элементи бу методологик тайёргарлик. Фан ва амалиёт шундай даражага етдики, талаба бўлғуси ишида зарур барча нарсаларни ўзлаштириш ва эслаб қолиш мумкин эмас. Шунинг учун проф. Н.Ф.Талўзина талабаларга ортиқча вазифа юклашларни йўқотиш учун маълумотларни сақлашнинг янги усулини таклиф этади:

